Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Малака ошириш институти

# АХБОРОТНОМАСИ

№ 2/2022

Тошкент – 2022

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий, маънавий-маърифий ва сиёсий-ҳуқуқий журнал

*Бош муҳаррир*:
**Олимжон АХМЕДОВ**

*Жамоатчилик Кенгаши таркиби*:
**Нуриддин НОРМАТОВ**
**Азизбек ИКРАМОВ**
**Баҳодир МАТЛЮБОВ**
**Умидбек НУРУЛЛАЕВ**

*Ҳайъат аъзолари*:
**Улуғбек РАСУЛЕВ**
**Ўткирбек МУХАМЕДОВ**
**Нуъмон АЗИЗОВ**
**Олтиной МАМИРОВА**
**Фарход ХАТАМОВ**
**Меҳмонали СУВОНҚУЛОВ**
**Эркин МАЪРУПОВ**

*Таҳририят:*
*Масъул муҳаррир*:
**Карим НОРМАТОВ**
**Солижон ЕРНАЗАРОВ**
*Мусаҳҳиҳ:*
**Ф. МАТЯҚУБОВА**
*Саҳифаловчи:*
**И. КАРИМОВ**

**Муассис: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти**

**2023 йил – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида, лотин, кирилл ёзувида чоп этилади.

Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллиф жавобгардир.

Журналдан кўчириб олинган манба кўрсатилиши керак.

Саҳифаловчи: И.Каримов,
Мусаҳҳиҳ:Ф.Матяқубова

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Ахборотномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 20 майда № 1630-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.*

**Бугунги кунда ички ишлар органлари учун профессионал кадрлар тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилаётгани, соҳада ўз бурчи ва қасамёдига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар ходимлар сони кўпайиб бораётганини ислоҳотларимизнинг энг муҳим натижаси сифатида қабул қиламиз.**

*********

**Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси, десак, айни ҳақиқат бўлади.**

**Биз бундан кейин ҳам ушбу соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ҳақиқий халқчил тизимга айлантириш учун бундан буён ҳам барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.**

**Шавкат Мирзиёев,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Муаллиф: Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

**Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,**
**Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!**
**Яшнагай то абад илму фан, ижод,**
**Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!**

***Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,***
***Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!***
***Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,***
***Оламни маҳлиё айлаган диёр!***

**Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,**
**Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!**
**Истиқлол машъали, тинчлик посбони,**
**Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!**

***Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,***
***Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!***
***Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,***
***Оламни маҳлиё айлаган диёр!***

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 10 декабрдаги сессиясида қабул қилинган.**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

**Қадрли ватандошлар!**

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда кўп миллатли бутун халқимизни мамлакатимиз ҳаётидаги улуғ тарихий сана – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб келаётган Асосий қонунимизнинг миллий тараққиётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, ғоят оғир ва мураккаб бир шароитда қабул қилинган Конституциямиз берган ҳуқуқ ва имкониятлар туфайли эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан ўтган даврда ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида улкан ютуқ ва натижаларни қўлга киритдик.

Ана шундай мустаҳкам ҳуқуқий асосга таяниб, кейинги йилларда мамлакатимизда кенг кўламли демократик ислоҳотлар жадал амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг мазмуни, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгармоқда. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, миллати, тили ва динидан қатъи назар, жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, ўз тақдирининг чинакам эгаси, мамлакатимиздаги барча ўзгариш ва янгиланишларга ўзини нафақат дахлдор, балки бу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси, эркин ва бунёдкор инсон сифатида ҳис этмоқда.

Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қонуний кафолати бўлган, биз учун озод ва обод ҳаёт қуриш йўлини очиб берган Конституциямиз билан шу боис ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, арзийди, албатта.

Муҳтарам дўстлар!

Дунё миқёсида “Янги Ўзбекистон” деган ибора пайдо бўлиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда.

Барчангиз хабардорсиз, шу кунларда мамлакатимизда Асосий қонунимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича муҳокамалар давом этмоқда. Ушбу конституциявий ислоҳотларни Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мазмуни ва мантиғи, халқимиз билдираётган талаб, истак ва таклифлар, мухтасар айтганда, шиддат билан ўзгараётган даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу сабабли ҳозирги вақтда “**Инсон – жамият – давлат**” деган тамойилни Конституциямиз ва қонунларимизга, кундалик ҳаётимизга чуқур сингдиришимиз зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш бу борадаги ислоҳотларимиз марказига олиб чиқилмоқда.

Жумладан, ижтимоий давлат тамойили, оила институтининг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш, кекса авлод вакилларини, ногиронларни ишончли ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, таълим ва илм-фан, маданиятни ривожлантириш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, экологик мувозанатни сақлаш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш каби кўплаб принципиал аҳамиятга эга масалалар Асосий қонунимизда муҳрлаб қўйилмоқда.

Бу жараёнда сиз, азиз ватандошларимиз – турли касб ва ижтимоий гуруҳга мансуб фуқароларимиз томонидан билдирилган барча таклиф, фикр ва мулоҳазалар албатта инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.

Айни шу асосда Бош қонунимиз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади.

**Ҳурматли юртдошлар!**

Пандемия шароитига қарамасдан, мамлакатимизда меҳнат жамоаларида, маҳалла ва таълим масканларида, хонадонларда Конституция байрами, эҳтиёт чораларига амал қилган ҳолда, кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Биз яқинлашиб келаётган янги – 2023 йил учун улкан дастур ва режаларни тузмоқдамиз. Конституциямизда белгилаб олаётган эзгу

мақсадларни рўёбга чиқариш, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, янги уй-жойлар барпо этиш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича катта-катта вазифалар бу дастурларда ўзининг аниқ ифодасини топмоқда.

Ишончим комилки, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, фидокорона меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга албатта эришамиз.

**Азиз ва муҳтарам ватандошлар!**

Сизларни, бутун халқимизни Конституциямизнинг қутлуғ байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларингизга файз-у барака тилайман.

Халқимиз тинч, юртимиз омон бўлсин!

Барчамизни Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**(Халқ сўзи. 2022 йил 8 декабрдаги сонидан олинди)**

*Мы будем принимать решения, опираясь на принцип «**Общество – инициатор реформ**» и советуясь по всем вопросам с нашим народом.*

*Нам необходимо разработать современную Конституцию, проникнутую целью обеспечения интересов человека, уважения его чести и достоинства как высшей ценности, такой Основной закон, который будет полностью соответсвовать задачам построения Нового Узбекистана, послужит будущим поколениям.*

*Все предложения и положения, высказанные нашими гражданами, обязательно будут учтены, и проект Конституции – вынесен на всенародный референдум.*

*Самое важное, каждый наш соотечественник должен почувсвовать свою сопричастность проводимой конситуционной реформе, чтобы в результате мог гордо заявить: «**Это – моя Конституция**».*

**Из Послания Президента Республики Узбекистан**
**Шавката МИРЗИЁЕВА Олий Мажлису и народу Узбекистана**.

## БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Еттинчи йилдирки, янги Ўзбекистоннинг ички ишлар органлари ходимлари Ватанимизнинг асл ўғлонлари ва жасур қизлари замонавий билимларни эгаллаган, маънавий ва маърифий дунёси бой, ҳар қандай хавф-хатарга қарши матонат билан курашишга тайёр – халқимизнинг чин маънодаги ҳимоячилари бўлиб фаолият олиб боришмоқда. Шу боис ҳам муҳтарам Президентимизнинг алоҳида ғамхўрлиги ва катта эътиборлари туфайли: "*Мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилиб, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, раҳбарларнинг профессионал салоҳиятини ошириш борасида тизимли чоралар кўрилмоқда. Ходимларни хизмат даврида узлуксиз ўқитиш учун илк бор Малака ошириш институти очилиб, замонавий ёндашувлар асосида масофавий ва мобиль сайёр курсларни ўтказиш амалиёти жорий этилди*".

Муқаддас ва табаррук "**Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили**"да аҳил жамоамизнинг саъй-ҳаракатлари орқали таълимда янги педтехнологияларнинг илғор намуналарини қўллаш тарбиявий фаолиятда ҳазрати Инсон қадр-қимматига бағишланган бой ахлоқий меросни эъзозлаш ҳамда ардоқлаш энг зарурий хислат ва фазилатларга айланди.

Айтиш жоизки, профессор-ўқитувчиларимизнинг, институт жамоасининг фаолияти туфайли мамлакат ИИО ходимлари малакасини ошириш ва кучли мотивация бериш ҳамда ўқув-карьерада, яъни раҳбарлик компетенцияларини эгаллашларини бир умр – янги Ўзбекистон равнақи, халқимиз ва Президентга садоқат ила хизмат қилишга чорлайди. Мен шу ўринда аллома Маҳмуд Қошғарийнинг ушбу мисрасини келтиришни жоиз деб биламан:

"**Улуғлигинг ошса агар,**
**Хушхулқ бўлғил.**
**Бек ёнида халқ учун**
**Хўб иш қилғил**".

Қуйи поғонадан юқори поғонага кўтарилиш, халқ билан мулоқотда бўлиш, инсон қадрини улуғлаш, одамларнинг ташвиш ва муаммоларини самарали ҳал қилиш эса улар – тингловчи-ходимларда раҳбарлик фазилатларини тарбиялайди. Институт профессор-ўқитувчилари ҳамда малакали амалиётчилар томонидан амалга оширилаётган бой ҳаётий ва салоҳиятли билим компетенцияларини ривожлантиради. Демак, айнан мана шундай бошлиқлар янги Ўзбекистон раҳбарлик корпусининг олтин захирасини тўлдиради.

## *Долзарб мавзу*

**Содиқжон ТУРДИЕВ,**
**Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор**

# МАҲАЛЛА ТУБ ИСЛОҲОТЛАРИДА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўзбекистон янги тараққиёт ва миллий юксалиш даврига қадам қўйди. Кўп миллатли халқимиз янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессансга пойдевор қўйишдек улуғвор ғоялар рўёби йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, дунёнинг энг тараққий этган давлатларига хос ҳаёт даражасига эришишдек олий мақсад билан яшамоқда. Мамлакатимизни янада тараққий эттириш борасида улуғвор мақсад ва вазифалар ифодаси – 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида "**Инсон қадри учун**" тамойили барча ислоҳотларнинг бош мезони сифатида белгилангани бежиз эмас.

Бош стратегик дастуримизда назарда тутилган еттита устувор йўналиш бўйича "*Инсон қадри учун 100 та мақсад*"нинг ижроси эса дунёдаги ноёб демократик тузилма бўлган маҳалла институтининг улкан имкониятларидан самарали фойдаланиш, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда маҳалланинг ваколатларини кенгайтириш, уни халқчил ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилувчи таъсирчан институтга айлантиришни тақозо этди. Янги Ўзбекистонни, яъни 2022 йил – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини ташкил этиш масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида **Президентимиз стратегиянинг инсон қадрини юксалтириш ва халқпарвар давлат барпо этиш йўналишида қуйидаги вазифаларни белгилаб берди:**

*– маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш;*

*– халқ билан мулоқот механизмларини такомиллаштириш;*

*–"Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" ва бошқа ҳудудий дастурларни жамоатчилик фикри асосида ишлаб чиқиш;*

*– давлат органларини "маҳаллабай" ишлаш тизимига ўтказиш;*

*– электрон давлат хизматлари улушини амалдаги 54 фоиздан 90 фоизга етказиш;*

*– жамоатчилик фикрини мунтазам ва илмий асосланган ҳолда тизимли ўрганиш назарда тутилади.*

Дарҳақиқат, ислоҳотлар инсон қадри учун хизмат қилсагина ҳаётий истиқболли муносиб аҳамият касб этади. Инсон қадр-қиммати эса энг аввало, маҳаллада намоён бўлади. Маҳалла – аҳолига, оилаларга энг яқин тузилма. Шу жиҳатдан кейинги йилларда маҳаллаларда замонавий инфратузилма яратиш, “маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этиш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Эндиликда бу борадаги ишлар янгича йўналиш ва мазмун билан давом эттирилади, маҳалланинг фаол модели яратилади. Натижада “*шунинг учун ҳам бундан буён давлат инвестиция дастурлари маҳалла даражасига туширилади.*

*Маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилади. Бунинг учун янги йилда 1 январдан бошлаб, мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолади*”, дея қайд қилди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидаги нутқида[1].

Маҳалла азалдан аждодларимиз юксак тафаккури, эзгу анъаналар, миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган ноёб ижтимоий тузилма бўлиб келган. Бугунги кунда унга янгича мазмун бахш этилаётгани инсон қадрини улуғлаш, одамларнинг ўз ҳаётидан розилигини таъминлаш, эртанги кунга комил ишонч билан ҳаракат қилишида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бир сўз билан айтганда, маҳалла том маънода ислоҳотлар марказига айланмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 1 мартдаги “*Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*”ги Фармони маҳаллани ҳақиқий ислоҳотлар марказига айлантириш борасидаги ишларнинг янги босқичига асос солди. Мазкур фармон билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигига айлантирилди.

Маҳаллада яхлит тизим ташкил этилиб, ҳоким ёрдамчиси камбағалликни қисқартириш ва янги иш ўринлари яратишга, ёшлар етакчиси ёшлар сиёсати ва ёшлар балансига, хотин-қизлар фаоли аёллар масаласига

[1] Янги Ўзбекистон. 2022 йил 21 декабрь.

масъул бўлди. Маҳалла раиси уларнинг ўзаро ҳамжиҳат ишлашини мувофиқлаштирувчи, ўз ҳудудининг ҳақиқий эгасига юз берган ҳар бир ҳолат учун бирламчи жавобгар ва масъул бўлишини таъминлайди.

Маълумки, 2022 йилнинг январь ойидан Ўзбекистон маҳаллаларида янги лавозим эгалари – ҳоким ёрдамчилари иш бошлади. Президент Шавкат Мирзиёев қайси ҳудудга бормасин, ҳоким ёрдамчилари билан мулоқотда бўлмоқда. Бу каби эътибор натижаси эса узоқ куттирмади – мартда Бахтиёр Менглибеков Мўйноқ туманига, май ойида Маҳаммадмусо Обидов Олтинкўл туманига ҳоким этиб тайинланди. Жон Макисвеллнинг: “**Кучли лидер бошқа лидерларни яратади**”, деган ибораси Ўзбекистонда рўёбга чиқа бошлади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти салкам 10 минг кишилик ҳоким ёрдамчилари “армияси” учун карьера моделини том маънода чизиб берди**: қуйи тизимда ишлаб, халқ дардини билиб, унинг муаммоларини ҳал қилишга астойдил бел боғлаган ёрдамчиларни ҳоким этиб тайинлаш механизмини яратди. “**Раҳбар бўлиш учун халқнинг ичидан чиқиб келиш керак**”, деган тамойил амал қила бошлади. *Зеро, инсонга яқинлашиш, унинг манфаатлари, эҳтиёжи ва муаммоларини эътибор марказига қўйиш одамлар ҳаётини яхшилашга хизмат қилади, инсонпарвар бошқарувни таъминлайди. Халққа кўмакдош, Президентга камарбаста давлат хизматчиларини кўпайтириш мақсадида жорий этилган бу модель ҳали кўпдан-кўп мева бериши аниқ. Таъсис этилган ҳоким ёрдамчиси лавозими ҳали кўплаб жонкуяр ва фидойи ёшлар учун яхши “трамплин”, кучли мотивация, ўзига хос ижтимоий лифт вазифасини ўташига ишончим комил.*

Ҳозирги пайтда маҳаллада яратилган яхлит тизим орқали осойишталик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида 5 минг 545 та “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳи ташкил этилиб, мулоқотга киришувчан, ташаббускор, ташкилотчи 15 минг 873 нафар ёш жалб қилинди. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган 6 минг 210 шахсни реабилитация марказларига, қаровсиз қолган 26 минг 111 нафар вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш орқали ҳимояси таъминланди, тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган 41 минг 598 нафар хотин-қизга ҳимоя ордери берилди. Бу ишлар натижаси ўлароқ, мавжуд 9 минг 370 та маҳалланинг 4 минг 558 тасида жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Шунингдек, маҳалла раисларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими

кучайтирилди, жумладан, уларнинг соғлиғини тиклаш (бепул тиббий даволаниш, санаторийларга имтиёзли йўлланмалар бериш) ҳамда давлат мажбурий суғуртасидан (фаолияти давомида меҳнат лаёқатини йўқотганда ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш) фойдаланиш имкониятлари оширилади.

Аҳоли муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш, мурожаатлар билан ишлаш бўйича тўрт босқичли “маҳалла – туман – вилоят – республика” тизими жорий этилади. Бунда маҳалла раиси томонидан аҳоли эътирозларига энг кўп сабаб бўлаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида доимий муҳокамалар ўтказилади. Ҳар ойда маҳалла кенгашида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг ахбороти эшитиб борилади. Маҳалла раиси ҳар чоракда ҳудудда амалга оширилган ишлар натижалари ҳамда бартараф этилмаган тизимли муаммолар бўйича тегишли туман (шаҳар) Халқ қабулхонасига маълумотлар киритиб боради.

Давлатимиз раҳбари кўрсатмасига биноан, Президент Халқ қабулхоналари ҳам фаолиятини маҳаллалар кесимида ташкил этиб, яқин ҳамкорликда иш олиб борилиб, муаммоларни аниқлаш ҳамда жойида бартараф этиш учун муайян ресурслар манзилли йўналтирилмоқда. Бу эса жойларда аҳоли муаммолари ва мурожаатлари билан ишлашда натижадорликни оширмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган, ёлғиз ва ёлғиз яшовчи 19 минг 980 нафар кексалар ҳар йили бир маротаба санаторийларда бепул соғломлаштириладиган, шароити оғир ва кам таъминланган 25 минг кексанинг дори-дармонлари, протез-ортопедия мосламалари давлат томонидан олиб бериладиган, жарроҳлик амалиётларига харажатлари ҳам бюджетдан қопланадиган бўлди. Улар учун стадион, теннис кортлари, спорт заллари, бассейн каби спорт иншоотларига ойлик абонементнинг 600 минг сўмгача *(БҲМнинг 2 баравари)* қисми, театр ва музейларга чипта олиш харажатлари ҳам тўлиқ қоплаб берилади. Амалиётдаги ижтимоий қоида – катта ҳаётий ва касбий тажрибага эга юртдошларимиз пенсия ёшига етганида улар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиниши тақиқланди. Давлатимиз лидерининг “*Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*”ги қарори янада муҳим ўзгаришларни бошлаб берди. Уларнинг ҳолидан хабар олиш, ғамхўрлик

қилиш, эътиборни кучайтириш бўйича маҳалла даражасида тизим яратилмоқда.

Барча маҳаллаларда ташкил этилган “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ва “Бувижонлар мактаби” кенгашларининг мавжуд 280 мингга яқин ижтимоий фаол аъзоси орқали маҳаллаларда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар, мактабларда ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштириши, давомати, бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан фуқароларни иш билан таъминлаш даражаси ва бошқа давлат хизматлари кўрсатилиши бўйича 25 мингдан ортиқ жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Маҳаллаларда “**Бир нуроний ўн беш ёшга масъул**” тамойилини қарор топтиришда ташаббускорлик кўрсатиб келаётган, ишсиз, тарбияси оғир ёшлар билан ишлашда фаол нуронийлар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Ушбу тамойил асосида 16 минг 224 нафар нуронийлар тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож ва ишсиз 154 минг 218 нафар ёшга бириктирилди. Нуронийлар таклифлари асосида фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи 2 минг 650 нафар ота-онадан 1 минг 964 нафари профилактик ҳисобдан чиқарилди. 3 минг 214 та нотинч оила яраштирилди. Шунингдек, нуронийлар томонидан 486 нафар ёшларнинг ўқишларини тиклашда, 29 минг 117 нафарини ишга жойлашишларига кўмаклашилди.

Ижтимоий ёрдамга муҳтож кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш мақсадида масъул вазирлик ва идоралар ҳамкорлиги йўлга қўйилди. 100 ёшга кирган 518 нафар нуроний, 221 нафар уруш қатнашчиси, 9 минг 165 нафар меҳнат фронти иштирокчиси, 22 минг 764 нафар ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинди. 2 516 нафар фуқарога ногиронлар аравачаси, 1 949 нафарига эшитиш мосламаси, 2 593 нафарига ҳасса (қўлтиқ таёқ), 1 477 нафарига кўзойнак, 5 786 нафарига бошқа реабилитация воситалари берилди. 2022 йилнинг ўтган даврида аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида 56 та янги маҳалла ташкил этилди. 591 та янги маҳалла мажмуаси қурилди, 161 таси капитал таъмирланди, 83 та маҳалла биноси реконструкция қилинди, 640 таси жорий таъмирланди, 577 тасида янги бино қуриш ишлари давом этмоқда. 945 таси компьютер техникаси ва 1 063 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди. 2022 йилда Олий Мажлис Сенати қарорига мувофиқ, тегишли қонунчилик талаблари асосида мамлакатимизда мавжуд 9 минг 370 та маҳаллага раис лавозимига сайлов бўлиб ўтди, сайловда 6 272 нафар раислар биринчи

маротаба сайланди. Сайланган раисларнинг 8 минг 832 нафари олий маълумотга эга.

2022 йилнинг 1 июнидан бошлаб уруш қатнашчилари ва ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексаларга ҳар ойда озиқ-овқат ва гигиена воситалари хариди учун уларнинг пенсия ва нафақаларига 270 минг сўм миқдорида устама тайинланди. Аввал ишламаган “Саховат” уйларида яшовчи, ёши улуғ мингга яқин кишига ҳам шахсий харажатлари учун қарилик нафақасининг 20 фоизи тўлаб бериладиган бўлди.

Юртимизда фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўйича “хонадонбай” ва “маҳаллабай” иш тамойилларининг амалиётга жорий этилиши одамларнинг ижтимоий турмуш кечириш ҳолатини яхшилаш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ниҳоятда қўл келмоқда.

Эътироф этиш жоизки, ижтимоий адолат тамойили асосида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Айниқса, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” бу борадаги муҳим ижтимоий ислоҳотлардандир. Биргина жорий йилда ушбу дафтарлар ва “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали 350 мингдан зиёд эҳтиёжманд аҳолига кўмак берилди. Шунингдек, “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг 8 851 нафар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 майдаги “*Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*”ги қарори бу йўналишдаги ишларнинг салмоғини янада оширди.

Қарорга мувофиқ, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган 8,9 миллион аҳолига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Маҳаллалардаги ёшга доир 3,1 миллион пенсионер, ногиронлиги бўлган 459 минг шахс, боқувчисини йўқотган 361 мингта оила (оиланинг ҳар бир аъзоси), болаликдан ногиронлиги бор 311 минг шахс ҳамда ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларни парваришлаётган 25 минг аёл бу ёрдамдан баҳраманд бўлади. Шунингдек, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган сифатида эътироф этилган болалар нафақасини олувчи, 18 ёшга тўлмаган 4,5 миллион болага ҳамда моддий ёрдам олувчи 84 мингта оилага 200 минг сўмдан ёрдам пули тўлаб берилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда раҳбар кадрларни тарбиялашнинг янги мактаби яратилди. Президентимизнинг ўзи ёш раҳбар кадрларга аҳоли билан

қандай ишлашни, “маҳаллабай”, “хонадонбай”, “фуқаробай” иш кўришни ўргатмоқда.

**Яқин тарихимизга юзланамиз**. 2021 йил 11 октябрь куни қашқадарёлик сайловчилар билан учрашувда Президентимиз кичик тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизликни камайтириш ва камбағалликни қисқартириш учун ҳоким ёрдамчилари лавозимини жорий этиш ташаббуси билан чиқди. Бу лавозим эгалари кредит ва субсидия бериш, томорқа ва бўш ерлардан самарали фойдаланиш, ёшларни касбга ўқитиш масалаларида аҳолига кўмаклашиши, аниқроғи одамларни камбағалликдан чиқаришга ёрдам бериши ҳақида айтди.

Мамлакат раҳбарининг ташаббуси билан ҳоким ёрдамчиси лавозимига қўйишдан аввал номзодлар янги тизим асосида ишлашга ўқитилди. Ўзини яхши кўрсатган ҳоким ёрдамчилари мукофотланиши, йил натижалари бўйича улар “Янги Ўзбекистон ислоҳотчиси” кўкрак нишонига тавсия қилиниши, ипотека асосида квартира олишда субсидия ажратилиши айтилди. Муҳими, ўзини кўрсатганларни келгусида раҳбарлик лавозимига қўйишга рағбат берилди. Самарали фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчилари Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан Миллий кадрлар захирасига олинди.

Ўзбекистон Президенти таъкидлади: “*Дунёда бундай тажриба ҳам, китоб ҳам йўқ. Бунинг учун аввало фидойи бўлиш, халқни севиш керак. Бу лавозимда ишлайдиганлар маҳаллада ислоҳотлар пойдевори бўлади. Улар тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизликни камайтириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатини амалга оширади. Бу жуда катта масъулият ва шараф*”.

Ҳозирги пайтда маҳаллаларда масъуллар ҳар бир хонадонга бевосита кириб, оиладаги ҳақиқий ижтимоий ҳолат ва эҳтиёжмандлик даражаси ўрганилаётгани, ҳар бир оила учун ижтимоий ҳимоя режасини шакллантириш бўйича ишлар бошлаб юборилгани – давлатимиз раҳбарининг ташаббус ҳамда даъватлари доимий амалий ҳаракатга айланаётганидан далолатдир. Маҳаллада амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя тадбирлари моҳияти ва мақсади ҳам фаровон турмушни таъминлаш, шу орқали инсон қадрини улуғлаш бўлиб, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир. Бу борада жамиятимизнинг энг муҳим тиргак ва таянч бўғини бўлган маҳалла ўта муҳим роль тутади. Президент таъбирига кўра, маҳаллаларнинг ёрқин

тараққиётини таъминлаш учун “*2023 йилда аҳоли томонидан таклиф берилган сув, электр энергияси, йўл, мактаб каби йўналишлар бўйича лойиҳалар учун қарийб 3 баробар кўп, яъни 8 триллион сўм йўналтирилади*”[1].

Зеро, маҳаллани ислоҳотлар марказига айлантиришга оид қонун ҳужжатларининг ҳаётдаги ижроси бевосита шу маскан ўзида амалга ошса, аниқ ижобий натижа беради. Жамиятнинг қуйи бўғини бўлган маҳалла ушбу жараёнларнинг нафақат марказида турибди, балки қонунчилик ижросини таъминлашда ҳам катта ижтимоий куч сифатида майдонга чиқмоқда.

## РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола халқ овозига айланган маҳаллада демократик ислоҳотлар қонун устуворлиги тамойили асосида олиб борилиши ҳамда замонавий инфратузилмани яратишдаги роли ва ўрни таҳлил қилинган.

*****

В данной статье махалла – голос народа, анализируется демократические реформы, как верховенства закона, также роль и место в формировние современной инфраструктуры.

*****

In this article, the mahalla is the voice of the people, democratic reforms are analyzed as the rule of law, as well as the role of place in the formation of modern infrastructure.

[1] Янги Ўзбекистон. 2022 йил 21 декабрь.

## *Актуальная тема*

**Илёс ТУЛЬТЕЕВ, профессор, доктор юридических наук,**
**Бахром ЖУРАЕВ, доктор юридических наук**

# КОНСТИТУЦИЯ УЗБЕКИСТАНА И ЕЕ ОБНОВЛЕНИЕ

Осуществленные в последние шесть половиной лет демократические реформы дали мощный толчок дальнейшему развитию и совершенствованию государственной и правовой систем Узбекистана. Реформы проявились в масштабных изменениях социально-экономической, политико-правовой и духовно-просветительской сфере жизнедеятельности государства. Сегодня стало понятно, что эти изменения нуждаются в соответствующем правовом закреплении в Основном законе страны. В связи с этим встал вопрос о модернизации Конституции, которая бы не только преобразования, но и юридически закрепила новые ориентиры и цели, стоящие перед обществом в современных условиях. Как отметил глава государства, “*конституционная реформа продиктована сутью и логикой стратегии развития Нового Узбекистана, пожеланиями и предложениями нашего народа, самим стремительно меняющимся временем*”[1]. По инициативе Президента страны Ш. Мирзиёева в результате кропотливой работы разработан проект конституционного закона о внесении изменений и дополнений в Конституцию страны, а также организовано его всенародное обсуждение, которое способствовало совершенствованию и обогащению содержания законопроекта.

Известно, что Конституция характеризует сущность государства. Конституция Республики Узбекистан представляет собой единый документ, обладающий высшей юридической силой и принимаемый в особом порядке, регулирующий основы государственного и политического устройства страны, правовой статус человека и иные главные вопросы конституционного строя страны. Понятно, что внесение в нее изменений и дополнений приведет к тому, что она будет отличаться от действующей

[1] Праздничное поздравление Президента Шавкат Мирзиёева в связи с Днем Конституции / https://president.uz/ru/lists/view/5753, дата обращения 8.12.2022 года.

редакции. Поэтому целесообразно рассмотреть сущность и содержание предлагаемых поправок.

В содержании конституционных поправок отражаются подходы и суть предлагаемых нововведений. К примеру, значимую часть поправок составляют изменения и дополнения, касающиеся правах и свобод человека, гарантий их реализации на практике. Это стало отражением изменившегося отношения к правам человека, уважения личности, приоритета интересов человека перед интересами государства. В первую очередь, дополняется преамбула Конституции, ее вступительная часть, отражающая цели, сущность и назначение Основного закона, принципы и ценности конституционного строя. Предлагаемая новая редакция Преамбулы подчеркивает особое значение основополагающих ценностей, отражающих суть конституционной реформы и модернизации Узбекистана. **Это**: *приверженность правам и свободам человека, национальным и общечеловеческим ценностям; курс на построение гуманного, демократического, правового, социального и светского государства, заботящегося о чести и достоинстве, благополучии и интересах каждого человека; стремление к открытому, справедливому и гармоничному гражданскому обществу; опора на исторический опыт развития узбекской государственности; верность идеалам демократии, справедливости, свободы и равенства; стремление к обеспечению устойчивого развития страны; решимость приумножать и охранять природные, культурные, материальные и духовные ценности и богатства, окружающую среду; стремление к укреплению гармоничных, дружественных отношений с мировым сообществом, обеспечение гражданского мира, межнационального и межконфессионального согласия и толерантности.*

Указанные цели лежат в основе всех конституционных поправок, определяют их сущность и содержание. Так, существенно усиливаются гарантии прав и свобод человека, они приближаются к стандартам, принятым в мировом сообществе. Например, для развития Узбекистана, как суверенного государства, исключительно важны положения преамбулы о приверженности историческому опыту развития узбекской государственности, о справедливом государстве и толерантности, а также правам человека.

Огромное значение имеет дополнение ст. 13 Конституции об ответственности государства перед человеком. Вносятся положения, прямо

закрепляющие обязанность государства уважать, соблюдать и защищать честь и достоинство человека, его права и свободы. Права и свободы человека действуют непосредственно, определяют смысл, содержание и применение законов, деятельности органов государства. При этом меры правового воздействия должны быть достаточными для достижения законной цели и наименее обременительными для человека, а все неустранимые противоречия и неясности законодательства толкуются в его пользу. Трудно переоценить нормы значение указанных норм, гарантирующих обеспечение и защиту прав и свобод человека. Кроме того, ст. 15 дополняется положением о том, что «*Конституция Республики Узбекистан имеет высшую юридическую силу, прямое действие и применяется на всей территории Республики Узбекистан*».

Ст. 16 дополняется положениями о том, что «*Ни одно из положений настоящей Конституции не может толковаться в ущерб правам* и **свободам человека и гражданина**, *правам и интересам Республики Узбекистан, основным принципам и положениям, предусмотренным в первом разделе настоящей Конституции*». Признание человека, его прав и свобод высшей ценностью, возвышение его достоинства, является квинтэссенцией поправок к Конституции. Вносимые дополнения нацелены на то, чтобы взаимоотношения триады «**гражданин – общество - государство**» основывались на принципе приоритетности прав и свобод человека.

Немаловажным является дополнение ст. 17 Конституции, посвященной принципам осуществления внешней политики нашего государства. Нововведением является закрепление помимо пяти общепризнанных принципов, отмеченных в действующей редакции, принципов уважения прав и свобод человека, территориальной целостности государств, а также проведения Узбекистаном дружественной и миролюбивой внешней политики. Существенно расширяется ст. 18 Конституции. С учетом демократического зарубежного опыта вносятся положения о том, что «В Республике Узбекистан признаются и гарантируются права и свободы человека и гражданина согласно общепризнанным нормам международного права и в соответствии с настоящей Конституцией. Достоинство человека, его основные права и свободы неприкосновенны, неотчуждаемы и принадлежат каждому от рождения». Указанные поправки означают, что человек, его права и свободы носят естественный и незыблемый характер. А

дополнение ст. 20 прямо устанавливает: «*Права и свободы гражданина могут быть ограничены только законом и только в той мере, в какой это необходимо для защиты прав и свобод других лиц, а также охраны общественной безопасности и порядка*». В отличие от действующей редакции Основного закона, здесь прямо указаны основания и пределы ограничений прав и свобод человека. Ст. 22 дополняется важными положениями, устанавливающими - «гражданин Республики Узбекистан не может быть выслан за пределы Узбекистана или выдан другому государству. Государство заботится о сохранении и развитии связей с гражданами и соотечественниками, проживающими за рубежом». Данные нормы укрепляют конституционно-правовой статус гражданина.

Предлагаемые новеллы устанавливают конституционный запрет на применение смертной казни (ст. 24), чего нет в действующей Конституции. Особо следует отметить, беспрецедентное расширение юридических гарантий личных прав человека. Так, ст. 25 предложено изложить в новой редакции, которая впервые на конституционном уровне закрепляет жесткие требования к органам государства при задержании, заключении под стражу и содержании под стражей или ином ограничении свободы человека, их срокам, исполнении правила Миранды, запрете пыток.

Примечательно, что в Конституцию вводятся две абсолютно новые статьи, при этом для сохранения действующей структуры Основного закона применена их отдельная нумерация. Так, ст. $26^1$ гласит: «Каждое лицо имеет право пользоваться помощью адвоката по своему выбору и на любой стадии уголовного процесса, а при задержании лица – с момента фактического ограничения его права на свободу передвижения. Подозреваемый, обвиняемый или подсудимый имеет право на информирование о сущности и основаниях обвинения, на очную ставку со свидетелями, показывающими против него, на вызов свидетелей, показывающих в его пользу. При осуществлении правосудия не допускается использование доказательств, полученных с нарушением закона. Права потерпевших от правонарушений и злоупотреблений властью охраняются законом. Государство обеспечивает потерпевшим доступ к правосудию и компенсацию причиненного ущерба. Каждое лицо имеет право на возмещение государством вреда, причиненного незаконными действиями или бездействием государственных органов или их должностных лиц». Также статья ($26^2$) устанавливает, что «никто не может дважды нести ответственность за одно и то же

правонарушение. Ни одно лицо не может нести ответственность за деяние, которое в момент его совершения не признавалось правонарушением. Закон, исключающий ответственность за деяние или смягчающий наказание, имеет обратную силу. Закон, определяющий или отягчающий ответственность, обратной силы не имеет. Ни один человек не может быть осужден, подвергнут наказанию, лишен имущества или каких-либо прав на основании закона, который официально не опубликован». Данные нововведения в той или иной мере отражены в действующих кодексах, однако впервые нормы, касающиеся прав человека при отправлении правосудия, столь конкретно приведены в Конституции, что говорит о серьезном внимании законодателя к данным вопросам.

На конституционном уровне закреплено право человека на доступ к всемирной информационной сети Интернет и свободное пользование ею (ст. 29). Огромное значения для каждого человека имеет включение в Основной закон нормы о том, что каждый имеет право на ознакомление с данными, собранными о нем в государственных органах, органах самоуправления граждан, общественных объединениях, организациях, и на требование исправления недостоверных данных, а также на уничтожение данных, собранных незаконным путем или более не имеющих правовых оснований (ст. 30). Ст. 37 дополняется такими важными положениями, как установление минимального размера оплаты труда на уровне, достаточном для существования человека и его семьи. Вносится запрет на отказ женщинам в приеме на работу, увольнение с работы и снижение им заработной платы по мотивам, связанным с беременностью или наличием детей. За каждой работающей женщиной при беременности и родах закрепляется право на оплачиваемый отпуск и отпуск по уходу за новорожденным ребенком или отпуск для усыновления ребенка. Конституция закрепляет запрет принудительного труда (особенно - детского труда) и ответственность за такое нарушение.

Поправками существенно расширяются и детализируются нормы о праве на социальное обеспечение (ст. 39), на охрану здоровья и квалифицированное медицинское обслуживание (ст. 40). С учетом зарубежного опыта и состояния экологических проблем вводится новая статья $40^1$, закрепляющая право каждого на здоровую и благоприятную окружающую среду, достоверную информацию о ее состоянии и на

возмещение ущерба, причиненного его здоровью или имуществу экологическим правонарушением.

Значительно дополняется ст. 41, посвященная праву на образование. В нее включаются нормы, устанавливающие гарантирование государством права каждого ребенка на получение обязательной годичной подготовки для поступления в организации общего среднего образования, а также получение бесплатно общего среднего образования. Общее среднее образование устанавливается в виде обязательного вида образования. Новейшими являются положения об организации для детей с особыми образовательными потребностями и индивидуальными возможностями инклюзивного образования и воспитания.

Основной закон также гарантирует для талантливой молодежи продолжение образования независимо от их материального положения. На государство возлагается обязанность создавать равные условия для развития государственных, частных и других форм образовательных учреждений и организаций, всемерно укреплять статус педагогических работников. Вводится запрет на вмешательство в профессиональную деятельность педагогических работников, а также воспрепятствование выполнению ими служебных обязанностей. На наш взгляд, будет включена новая статья ($41^1$), устанавливающая право каждого на конкурсной основе бесплатно получить высшее образование в государственных образовательных организациях. На конституционном уровне гарантировано право высших образовательных и научно-исследовательских организаций на самоуправление, академическую свободу, а также свободу исследований и преподавания. При этом государство обязывается способствовать развитию науки, установлению научных связей с мировым научным сообществом. Еще одна новая статья Основного закона ($42^1$) обязывает государство создавать необходимые условия для развития физической культуры и спорта, духовного и нравственного воспитания детей и молодежи.

Уникальной особенностью является закреплении в Конституции статуса и характеристики семьи. Особое значение семьи обусловлено традиционно сложившимся в Узбекистане укладом жизни, отношением к семье, как важнейшему общественному институту. Закрепление статуса семьи в Конституции служит основой возрождения национальной самобытности и традиционных ценностей узбекского народа. Хотя действующая Конституция имеет особую главу, посвященную институту

семьи, в ее ст. 63 вносятся новые нормы, устанавливающие статус семьи, как естественной и основной ячейки общества, находящейся под особой защитой общества и государства. Признается, что брак основывается на свободном согласии и равноправии женщины и мужчины, а на государство возлагается обязанность создавать социальные и экономические условия, необходимые для полноценного развития семьи. Оно должно обеспечивать предоставление многодетным семьям льгот и социальных гарантий. Данные части Закона отражают характерное для узбекского народа уважение и заботу о семье, уважительное отношение к родителям, женщинам. В ст. 3 Конституции гласит, что Узбекистан самостоятельно определяет национально-государственное и административно-территориальное устройство страны. Проектом было предусмотрено внесение поправок, уточняющих конституционный статус Республики Каракалпакстан. Действующая редакция таким образом определяет статус Каракалпакстана, что в государственном устройстве Узбекистана усматриваются отдельные признаки федерализма, заключающиеся в следующем:

- *охрана суверенитета Республики Каракалпакстан Республикой Узбекистан (ст.70);*
- *наличие Конституции Каракалпакстана (ст.71);*
- *функционирование обособленных, имеющих определенную самостоятельность государственно-правовых институтов Каракалпакстана: парламента (Жокаргы Кенес), правительства и др.*
- *закрепление неприкосновенности территории и границ Республики Каракалпакстан посредством запрета на их изменение без ее согласия, а также права Республики Каракалпакстан самостоятельно решать вопросы своего административно-территориального устройства (ст. 73);*
- *право Каракалпакстана на выход из состава Республики Узбекистан на основании всеобщего референдума народа Каракалпакстана (ст. 74);*
- *правило об регулировании взаимоотношений Республики Узбекистан и Республики Каракалпакстан посредством договоров и соглашений (ст. 75);*
- *наличие у Республики Каракалпакстан своих государственных символов – флага, герба, и гимна, утверждаемых законом.*

Первоначально проект предусматривал внесение изменений, исключающих указание на суверенный характер Республики Каракалпакстан, а также норму о праве Каракалпакстана на выход из

состава Республики Узбекистан. Данные положения законопроекта вызвали недовольство жителей Каракалпакстана, выразившееся в демонстрациях и массовых беспорядках в г. Нукус. В условиях введенного чрезвычайного положения глава государства встретился с представителями населения и институтов гражданского общества и принял решение об отказе внесения предложенных законопроектом изменений в соответствующий раздел Конституции Узбекистана. Правовой статус Каракалпакстана, остается неизменным. Таким образом, Республика Узбекистан сохраняет характер унитарного государства с отдельными признаками федерализма, отражающими особенности статуса Республики Каракалпакстан в составе Узбекистана.

Раздел пятый гласит что, согласно ст. 99 Конституции, местные представительные органы власти (Кенгаши народных депутатов) сейчас возглавляются хокимами, т.е. главами исполнительной власти. Поправками предполагается отказ от совмещения хокимом двух должностей ввиду нарушения принципа разделений властей. Таким образом, разделение должностей глав исполнительной и представительной власти на местах значительно усиливает роль и значение Кенгашей народных депутатов, расширяет их полномочия в сфере контроля над органами исполнительной власти. Создается определенный механизм сдержек и противовесов на местном уровне, что способствует продвижению страны к сильному гражданскому обществу. Также, следует отметить большое значение конституционных поправок по вопросам децентрализации управления, передачи части функций органов государственной власти самим гражданам, институту махалли. В целом, анализ предлагаемых поправок показывает тенденцию продолжения и конкретизации конституционно-правовой реформы. Поправки вызваны потребностями общественного развития, они продиктованы необходимостью дальнейшего углубления реформ и модернизации страны. Внесение изменений и дополнений в Конституцию есть одна из форм указанной модернизации.

Обновление Конституции направлено на дальнейшую демократизацию системы государственного управления, обеспечение прав и свобод человека, повышение роли и ответственности органов государственной власти, ограничение правовыми рамками их полномочий. Конституционные поправки не затрагивают основы конституционного строя, не снижают

уровень защиты прав и свобод человека. Они должны стать дополнительной гарантией демократического развития нашей страны.

Согласно разделу шестому Конституции Республики Узбекистан, изменения в нее вносятся конституционным законом или референдумом Республики Узбекистан. Особенностью Конституции Республики Узбекистан является указание на сроки и порядок рассмотрения вносимых в нее изменений: парламент «может принять закон об изменениях и поправках к конституции в течение шести месяцев после внесения соответствующего предложения с учетом его широкого обсуждения» (ст. 128). Если Олий Мажлис страны отклонил предложение об изменении Конституции, оно может быть возобновлено не ранее, чем через год. Предлагаемые поправки вносят следующее существенное дополнение в ст. 127: «Положения статьи 1 настоящей Конституции и части второй настоящей статьи не могут быть пересмотрены». Это означает, что вносится категорический запрет на изменение нормы Конституции, закрепляющей конституционную характеристику узбекского государства.

Итак, в связи с активной модернизацией особую важность приобретают вопросы совершенствования базового политико-правового документа государства – Конституции Узбекистана. Центральное место в этом обновлении занимают вопросы обеспечения защиты прав и свобод граждан, демократизации основ существующего конституционного строя. Дальнейшее совершенствование Конституции вызвано потребностью реализации ее положений, воплощения ее идей и принципов в жизнь. Как показывает практика, жизнь ставит новые проблемы, отражающие вызовы и потребности современного мира. Сам факт обновления Конституции свидетельствует о том, что страна стремится развиваться, решать поставленные народом цели и задачи. Процесс обновления Конституции Республики нового Узбекистана обусловлена, в первую очередь, необходимостью реализации стратегических целей, достижения установленных ориентиров развития под руководством Президента страны.

О том, что принятие конституционных поправок должно стать мощным импульсом для активной законотворческой деятельности, для пересмотра всего законодательства страны. Эта работа должна проводиться по следующим направлениям: *во-первых*, разработка актов, прямо вытекающих из текста в новой Конституции Узбекистана, *во-вторых*, приведение действующего законодательства страны в соответствие с нормами

Конституции, *в-третьих*, создание правового механизма реализации Конституции и законов.

Масштабные задачи модернизации страны актуализируют необходимость развития институтов гражданского общества, защиты прав и свобод человека и дальнейшей демократизации всех сфер жизнедеятельности общества. Реальное значение Конституции нового Узбекистана обновляется в том, что оно не только развивает то, что уже достигнуто на сегодняшний день, но и определяет перспективы дальнейшего развития страны.

## РЕЗЮМЕ

Мақола Ўзбекистоннинг конституциявий ривожланиш жараёни, янги Конституцияга киритилган айрим ўзгаришларнинг моҳияти ва мазмуни таҳлилига бағишланган.

*****

Статья посвящена анализу процесса конституционного развития Узбекистана, сущности и содержания внесенных в новую Конституцию некоторые поправки.

*****

The article is devoted to the analysis of the process of constitutional development of Uzbekistan, the essence and content of the amendments to the Constitution.

- ***Ўтмишдан бир шингил***

## МИЛЛИЙ КОНСТИТУЦИЯЛАР ТАРИХИДАН

*Япония Конституцияси умуман фуқароларнинг барча асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайди. Мамлакатда куч ишлатиш, қийноққа солиш ва ноқонуний ҳибсга олиш ман этилган. Янги ҳуқуқлар сифатида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ахборот олиш, шахсий ҳаёт сирининг ҳимоя қилиниши ҳуқуқини келтириш мумкин.*

*****

*АҚШ Конституциясига биринчи тузатишда:* ***“Конгресс сўз ва матбуот эркинлигини чеклайдиган бирорта қонун қабул қилмаслиги керак”****, дейилган.*

*****

*Европада илк қабул қилинган Асосий қонун – 1791 йили тасдиқланган Польша Конституцияси бўлиб, 1997 йилда Польша Миллий Ассамблеясининг янги Конституцияси қабул қилинди.*

*****

*Бирлашган Араб Амирликларининг Конституцияси референдумда маъқулланган эмас, балки барча амирликлар ҳукмдорлари томонидан имзоланган. Шунинг учун унда давлатлараро шартномага хос бўлган белгилар мавжуд.*

*****

*Кодификация қилинмаган Конституциялар дунё миқёсида еттита.*

***Булар:***

*1. Буюк Британия Конституцияси (унинг биринчи ҳужжати – Эркинликнинг буюк хартияси 1215 йилда, иккинчи ҳужжат – Ҳуқуқлар тўғрисидаги билль 1689 йилда қабул қилинган) Англия парламенти томонидан тасдиқланган;*

*2. Канада Конституцияси (Буюк Британия парламенти томонидан ушбу Конституциянинг биринчи ҳужжати – Конституция акти 1867 йилда, иккинчи ҳужжати – Канада тўғрисидаги акт) 1982 йилда қабул қилинган;*

*3. Янги Зелландия Конституцияси;*

*4. Швеция Конституцияси;*

*5. Сан-Маринонинг 1600 йилги Конституцияси;*

*6. Исроилнинг Асосий қонуни;*

*7. Ливия Конституцияси (Яшил китоби) мамлакатдаги фуқаролик уруши туфайли ҳокимият Ливия Миллий ўтиш даври кенгаши тасарруфига ўтгач, Кенгаш томонидан 2011 йил 3 августда Ливиянинг Муваққат конституциявий декларацияси тасдиқланиб, янги конституция тайёрлаш ҳақида эълон берилган.*

*****

*Дунёдаги бирорта Конституцияни мукаммал деб бўлмайди. Айни чоғда, Асосий қонунда у ёки бу муаммоларнинг ҳақиқий тартибга солинмаганини номукаммаллик белгиси, ҳаттоки конституциявий нуқсон, деб қараш ўринли эмас. Масалан, ГФРнинг Асосий қонунида мақбул атроф-муҳитга, шунингдек, соғлиқни сақлаш ва тиббий хизматдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқлар, қолаверса, солиқларни тўлаш мажбурияти мустаҳкамлаб қўйилмаган.*[1]

*****

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси доценти, юридик фанлари доктори Дилором Каримованинг ғояларини келтирамиз: "*Асосий қонунимиз халқимиз узоқ йиллар орзу қилган миллий мустақиллигимиз ва ривожланиш йўлимиз ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини белгилаб берди. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунасидир. У ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда*".

*****

Академик, юридик фанлари доктори, профессор Акмал Саидов: "*Конституция муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида кишилик цивилизациясининг ютуғи, умуминсоний қадрият ва демократик тараққиётнинг юридик асосидир", "Конституция – бу догма эмас, у ҳаракат учун дастур бўлиши керак", "Конституция – ҳуқуқий билимларнинг алифбосидир*", деган чуқур ҳуқуқий-фалсафий фикрларни баён этгани ҳолда, янги Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш ва билиш, унга риоя қилиш ҳамда фахрланишни албатта зарур, деб ҳисоблайди.[2]

Таниқли физик олим, Нобел мукофоти совриндори Альберт Эйнштейн: "*Конституциянинг кучи бутунлай ҳар бир фуқаронинг уни*

[1] Ўзбекистон Конституцияси тарихи китобидан олинди. ("Ахборотнома" учун).
[2] Янги Ўзбекистон. 2022 йил 21 декабрь.

*ҳимоя қилишга қатъият билан интилишидадир. Конституциявий ҳуқуқлар ҳар бир фуқаро ушбу ҳимояга ҳисса қўшишни ўз бурчи деб билсагина, ҳимоя қилинади*", деб ўз фикрини билдирган. Америкалик ҳуқуқшунос, АҚШ Олий судининг узоқ йиллар аъзоси бўлган Оливер Венделл Холмс: "*Конституциялар назарияларни қўллаб-қувватлаш учун эмас, балки амалий ва моддий ҳуқуқларни сақлаш учун мўлжалланган*", деб таъкидлайди. Америкалик ҳуқуқшунос ва сиёсатчи Эдвард Мур Кеннеди эса "*Конституция нафақат биз билган ҳамоҳанг қарашларни ҳимоя қилади, у шунингдек, биз норози бўлган қарашларни ҳам ҳимоя қилади*", дея ҳаётий ғояни айтган эди.

*****

Дарҳақиқат, жамиятдаги барча ижтимоий муносабатларни тартиб-қоидага солишнинг негизи ҳар бир давлатнинг Бош Қомуси – Конституцияга бориб тақалади. Шу маънода, давлатларнинг Конституциясини ўқиш, ўрганиш баробарида уларнинг давлат органлари ҳамда миллий ҳуқуқ тизими, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий муносабатларини тартибга солувчи асос ва таянч нормалари ҳақидаги тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Аллома олимларнинг Конституция ҳақидаги фалсафий-мантиқий иборалари ва ҳикматли иқтибослари бизни ҳар бир давлатнинг Асосий қонуни – Конституция ҳақида янада кенгроқ фикр юритиш ҳамда чуқурроқ ўрганишга ундайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида: "*Умуман, маъно-мазмуни инсон қадрини улуғлаш руҳи билан бойитилган, келажак авлодларга муносиб хизмат қиладиган, Янги Ўзбекистонга мос бўлган Конституцияни ҳар томонлама ўйлаб, шошилмасдан ишлаб чиқишимиз керак.*

*Фуқароларимиз билдирган барча таклиф ва истаклар албатта инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.*

*Энг муҳими – ҳар бир ватандошимиз конституциявий ислоҳотларга дахлдор бўлиши ва "**Бу – менинг Конституциям**" деб юксак ғурур ва ифтихор билан айта олиши керак*".[1]

[1] Халқ сўзи. 2022 йил 21 декабрь.

• *Тингловчи-ходимларга ёрдам*

***АЛЛОМАЛАР БИСОТИДАН***

**Қумринисо АБДУРАСУЛОВА,**
**ИИВ Академияси кафедра бошлиғи, ю.ф.д., профессор**

# ШАВКАТ ЎРАЗАЕВ – ЗАБАРДАСТ ОЛИМ, ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ

*Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, ғоят оғир ва мураккаб бир шароитда қабул қилинган Конституциямиз берган ҳуқуқ ва имкониятлар туфайли эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан ўтган даврда ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида улкан ютуқ ва натижаларни қўлга киритдик.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллигини нишонлаш арафасида буюк адибимиз Абдулла Қодирийнинг:* ***“мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрликдир”****, деган ҳикматларига амал қилиб, Асосий қонунимизнинг тайёрланишига муносиб ҳисса қўшган аллома олим Шавкат Закариевич Ўразаевнинг фаолиятига назар ташлайлик.*

Ўтган асрнинг 70-йиллари охирларида юридик фанлари доктори, профессор Шавкат Закариевичнинг “**Давлат ва ҳуқуқ назарияси**” фанидан маърузаларини Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ҳуқуқшунослик факультети биринчи курс талабалари жон-қулоғимиз билан тинглаганимиз ҳанузгача ёдимизда... Маъруза давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг тушунчаси, унинг предметига бағишланган бўлиб, домла “*давлат*” ва “*ҳуқуқ*”нинг моҳиятини, давлат шаклларини жуда қизиқарли тарзда равон, тушунарли ва ўзбек тилининг бор жозибасини намоён қилган ҳолда тушунтириб берган эди. Талабалар дарсга ажратилган вақтнинг қандай тугаганлигини сезмай қолдик ва устознинг кейинги маърузаларини сабрсизлик билан интиқиб кутадиган бўлдик!

Шавкат Закариевич 1927 йил 1 августда Бошқирдистонда туғилган. 1931 йилдан умрининг охирига қадар Тошкентда яшаганлар. Устоз

1943 йилда Тошкент давлат юридик институтига ўқишга киради ва уни 1947 йилда аъло баҳолар билан тугатади. Шу йили тадқиқот олиб бориш учун иқтидорли изланувчи сифатида институт қошидаги аспирантурага қабул қилинади. Уларнинг илмий ишларига юридик фанлари доктори, профессор Отабой Эшонович Эшонов раҳбарлик қилган. 1951 йилда Москвада Бутуниттифоқ юридик институти Ихтисослашган кенгашида Ш.З.Ўразаев "*Уруш йилларида Тошкент шаҳар кенгаши ишини қайта қуриш*" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида 600 минг аҳолиси бўлган Тошкент 1943 йилда икки миллионга яқинлашди. Мана шунча аҳоли, уруш бўлаётган ҳудудлардан эвакуация қилинган корхона, муассасалар учун шароит яратиш, ишчи-хизматчиларни уй-жой билан таъминлашдан ташқари, қариялар, болаларни хонадонларга жойлаштириш, уларга озиқ-овқат етказиб бериш ҳам йўлга қўйилди. Диссертацияда уруш йилларида Тошкентда уйсизлар, оч қолганлар бўлмаганлиги, юқумли касалликлар қайд этилмаганлиги халқимизнинг меҳр-мурувввати ва жасорати натижаси эканлиги асосланган эди.

Устоз 1949-1955 йилларда Тошкент юридик институти "Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи" кафедрасида ассисент, катта ўқитувчи, доцент вазифаларида ишлади. 1955 йилда юқорида номи келтирилган институт ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетига айлантирилганидан сўнг, Ш.З.Ўразаев 35 йилдан ортиқ "Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи" кафедраси доценти, профессори, кафедра мудири лавозимларида фаолият юритди.

У 1962 йилда "*Туркистон мухтор республикасининг давлат тузуми*"га бағишланган докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва орадан уч йил ўтиб, профессор илмий унвонига лойиқ, деб топилди. Устоз илмий-педагогик фаолият билан бирга жамоат ишларини ҳам юқори даражада олиб борди. Хусусан, 1966 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси иқтисодий ва фалсафий ҳамда юридик фанлар бўлими раиси, 1966-1970 йилларда ва 1989-1993 йилларда Фанлар академияси Раёсати аъзоси сифатида илм-фаннинг ривожига муносиб ҳисса қўшди, десак ҳақиқатни айтган бўламиз. Юридик фанларни ривожлантириш ва юқори малакали кадрларни етиштиришдаги хизматлари эътиборга олиниб, 1977 йилда Ш.Ўразаевга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвони берилди. 1973 йилда устознинг миллий давлатчилик

қурилишига бағишланган асарлари Беруний номидаги давлат мукофотига сазовор, деб топилди.

1989 йилда Шавкат Ўразаев Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги этиб сайланди. 1990 йилда у Ўзбекистон Конституциявий назорат қўмитаси раиси лавозимига тайинланди. Шу йилнинг июнида Биринчи Президент Ислом Каримов раҳбарлигида 64 нафар аъзодан ташкил топган Конституциявий комиссия тузилди. Шавкат Ўразаев ушбу комиссия Раиси таркибига киритилди. У 1991 йилнинг апрелидан Конституциявий комиссия топшириғига биноан Ўзбекистон ССР Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш ишчи гуруҳи раҳбари сифатида гуруҳ томонидан нафақат миллий қонунчилигимиз балки, илғор хорижий давлатлар тажрибасини қиёсий равишда ўрганилишини ташкил қилди, миллий қадриятларимизга таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасини яратишга катта ҳисса қўшди. Конституция лойиҳаси устида иш икки йилу 22 кун давом этди.

1992 йил 2 июлда Шавкат Ўразаев Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг учинчи сессиясида янги Конституция лойиҳасини тайёрлаш жараёни ҳақида ахборот берди. Ушбу сессияда комиссияга лойиҳа устида ишни якунлаш ва уни умумхалқ муҳокамасига қўйиш вазифаси топширилди. Икки ойдан кейин 1992 йил 8 сентябрда бўлиб ўтган Конституциявий комиссия мажлисида Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйиш учун эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. 1992 йил 26 сентябрда Конституция лойиҳаси Республиканинг барча газеталарида эълон қилинди. Ишчи гуруҳ лойиҳа юзасидан билдирилган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни ўрганиш ҳамда умумлаштиришга киришди.

Лойиҳа юзасидан билдирилган барча таклифлар, фикр-мулоҳазалар ҳақида Конституциявий комиссия Раисига ахборот берилди. Конституциявий комиссия Раисининг таклифига кўра, лойиҳа ҳисобга олинган фикр-мулоҳазалар билан бирга 1992 йил 21 ноябрда матбуотда қайта эълон қилинди. *Ва ниҳоят 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси моддама-модда овозга қўйиш йўли билан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилди.*

Ҳақли равишда ўша йиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутати Шавкат Миромонович Мирзиёев Конституциявий комиссияси

таркибида фаолият олиб борганини ва Бош Қомусимизнинг яратилиши ҳамда қабул қилиниши ҳақида фахрланиб эслайдилар: “*Конституциямизнинг қандай қилиб ҳозирги мазмун ва шаклга келгани, бу мураккаб жараёнда кечган қизгин тортишув ва баҳс-мунозаралар бугунгидек ёдимда*”.[1]

Асосий қонунимизни ишлаб чиқишда Конституциявий комиссия ишчи гуруҳининг раиси Шавкат Ўразаев ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Унинг “Народное слово” газетасининг 1992 йил 26 декабрь сонида “*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси қандай тайёрланди*” деб номланган мақоласи ва 1993 йилда “*Мустақил Ўзбекистон Конституцияси*” рисоласи эълон қилинди. 1994-1995 йилларда у Тошкент Давлат юридик институти ректори ҳамда Ихтисослашган кенгаш раиси лавозимларида иш олиб борди. У юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор берди. Унинг раҳбарлигидаги Ихтисослашган кенгашда қисқа вақт ичида еттита докторлик диссертацияси ёқланди. Улар орасида Ҳ.Р.Рахмонқулов, Ш.И.Жалилов, У.Т.Тожихоновлар бор эди. 1995 йилда Ш.Ўразаев Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили лавозимида ишлади, 1996-1999 йилларда Олий Мажлиснинг фан, маданият, спорт бўйича қўмитасига аъзо бўлди. 1995 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Авф этиш комиссиясининг раиси сифатида фаолият олиб борди.

2001 йил 4 январда Президентнинг “*Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида*”ги Фармойиши эълон қилинди. Асосий қонунни ўрганишни ташкил этиш комиссиясининг раиси этиб Шавкат Закариевич Ўразаев тайинланди. 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб барча таълим тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш комиссияси қисқа вақт ичида конституциявий ҳуқуқ бўйича ўттиздан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этилишини ташкил қилди. Уларнинг орасида Юридик энциклопедия, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ ва бошқа қўлланмалар дунё юзини кўрди.

Аллома-устоз 1996 йилдан умрининг ниҳоясига қадар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси профессори сифатида фаолият юритиб, қатор докторлик ва номзодлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилди ҳамда юридик таълим ва илмий салоҳиятнинг ўсишига муносиб ҳисса қўшди.

[1] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Жилд 1. Т. “Ўзбекистон” – 2017. 101-бет.

Умуман олганда, устознинг ҳуқуқшуносликни ривожлантириш бўйича маънавий меросини халқимиз, айниқса ёш ҳуқуқшунослар чуқур ўрганишга интилиши билан ажралиб туради. Айни пайтда уларда янги Ўзбекистон руҳи ўз ифодасини топди. Янги ривожланишнинг ҳар бир босқичи тадқиқотчилар олдига ўз талабларини қўяди. Бу талабларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас? Қолаверса, тадқиқотларда кўтарилган ўта жиддий юридик тарбиявий муаммолар орадан қанча вақт ўтмасин, ўз аҳамиятини йўқотмай, вақт синовига бардош берди ҳамда ҳозирги пайтда янада сайқаллашиб бормоқда.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада аллома-устоз, давлат ва жамоат арбоби Шавкат Закариевич Ўразаевнинг ҳаёти ва фаолияти таҳлилий равишда ифода қилинган.

*****

В данной статье анализируется жизнь и деятельность просветителя-наставника, государственного и общественного деятеля Шавкат Закариевича Уразаева

*****

This article analyzes the life and work of the educator-mentor, statesman and public figure Shavkat Zakarievich Urazaev

## *Илмий мақолалар*

**Илёс ТУЛЬТЕЕВ,**
**профессор, доктор юридических наук**

# НЕКОТОРЫЕ НОВШЕСТВА ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА О СИСТЕМЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ НА МЕСТАХ

В новом Узбекистане проводится значительная работа по обеспечению верховенства закона, превращению органов внутренних дел в государственный институт, обеспечивающий защиту прав, свобод и законных интересов человека. По инициативе Президента страны коренным образом реформирована деятельность органов внутренних дел, постоянно совершенствуется законодательство в данной области.

В результате принятых мер внесен ряд изменений в структуру системы Министерства внутренних дел, в том числе изменена классификация служб и отдельных руководящих должностей. Все это вызвало необходимость уточнения в законодательстве порядка и процедур заслушивания представительными органами власти отчетов руководителей и должностных лиц системы ОВД, в первую очередь - о состоянии общественной безопасности.

Именно поэтому принят Закон Республики Узбекистан от 27 октября 2022 года № ЗРУ-797 «*О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан*»[1]. Данным Законом внесены изменения и дополнения в законы Республики Узбекистан «*О государственной власти на местах», «Об органах самоуправления граждан», «Об органах внутренних дел*» и «*О порядке отбывания административного ареста*», а также Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности. Указанные изменения и дополнения служат правовой основой для дальнейшего обеспечения открытости деятельности органов внутренних дел, усиления над ними контроля представительных органов, механизмов ответственности должностных лиц ОВД, повышения эффективности деятельности по обеспечению общественной безопасности.

[1] Национальная база данных законодательства, 28.10.2022 г., № 03/22/797/0967.

*Проведем краткий анализ сути и назначения введенных в законы правовых систем.* Прежде всего, следует указать, что они являются логическим продолжением последовательно проводимой работы по совершенствованию правовых основ системы общественного контроля над деятельностью органов государства. Именно на усиление контроля общества, обеспечение прозрачности и открытости органов внутренних дел направлены внесенные в законы изменения и дополнения. В частности, введен порядок ежеквартального представления отчета об общественной безопасности следующими руководителями: министр внутренних дел Каракалпакстана – Жокаргы Кенесу Каракалпакстана, начальники ГУВД города Ташкента и Ташкентской области, начальники УВД областей и их заместители (начальники Службы общественной безопасности) - областным Кенгашам народных депутатов. Также установлена обязанность представления отчетов о состоянии обеспечения общественной безопасности местным Кенгашам народных депутатов: начальников районных, городских УВД/ОВД – ежеквартально, их заместителей (начальников Служб общественной безопасности) – ежемесячно; а старших инспекторов по профилактике махаллинских пунктов правопорядка – раз в полгода.

Кроме того, в Закон Республики Узбекистан от 16 сентября 2016 года № ЗРУ-407 «*Об органах внутренних дел*» внесены дополнения, определяющие правовой статус и основные функции махаллинских пунктов правопорядка (МПП) - структуры, созданной сравнительно недавно в системе органов внутренних дел. В частности, внесено дополнение в виде статьи $15^1$ «*Махаллинские пункты правопорядка*». Данная статья дает понятие МПП - структурное подразделение органов внутренних дел, осуществляющее деятельность по охране общественного порядка, профилактике правонарушений и борьбе с преступностью непосредственно в махаллях, а также по организации взаимодействия органов внутренних дел, других органов правопорядка и общественных формирований по обеспечению безопасности и спокойствия граждан в разрезе махаллей. Также, следует иметь в виду, что МПП являются своеобразной обновленной версией опорных пунктов ОВД, функционирующих в махаллях, они созданы на их базе. Решением главы государства поставлена задача «*поэтапно образовать махаллинские пункты правопорядка на базе опорных пунктов органов*

*внутренних дел*»[1]. Это означает, что опорные пункты ОВД не ликвидируются сразу, большинство из них продолжает функционировать до формирования на их основе соответствующих МПП. При этом МПП создаются в районах города Ташкента, центрах Каракалпакстана и областей, а также крупных районах и городах, т.е. не все опорные пункты (например, в поселках и не крупных районах) будут преобразованы в МПП. В утвержденной главой государства «*Стратегии развития системы обеспечения общественной безопасности в Республике Узбекистан*» поставлена задача разработки и внедрения в практику типового проекта МПП[2]. Такой типовой проект и структурная схема утверждены правительственным актом[3].

При этом МПП становится основным низовым звеном, обеспечивающим общественную безопасность, профилактику правонарушений и борьбу с преступностью на местах. На его базе организуется скоординированная деятельность служб территориальных ОВД, Национальной гвардии и иных государственных органов. А задача по организации и координации работы МПП в сфере обеспечения общественной безопасность, профилактики правонарушений и борьбы с преступностью возлагается на старшего инспектора по профилактике.

*Согласно типовой структуре, МПП, возглавляемый старшим инспектором по профилактике, включает следующих должностных лиц, которых условно можно разделить на* **три группы**:

- ***Первая группа,*** т.е. лица, непосредственно осуществляющие свою деятельность на повседневной основе (инспектор по профилактике, помощник инспектора по профилактике по охране общественного порядка, инспектор-

[1] Указ Президента Республики Узбекистан от 26 марта 2021 года № УП-6196 «О мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности органов внутренних дел в сфере обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью» / Национальная база данных законодательства, 26.03.2021 г., № 06/21/6196/0240.

[2] Стратегия развития системы обеспечения общественной безопасности в Республике Узбекистан на 2022 — 2025 годы, утвержденная Указом Президента Республики Узбекистан от 29 ноября 2021 года № УП-27 «О мерах по утверждению и реализации Концепции общественной безопасности Республики Узбекистан» / Национальная база данных законодательства, 01.12.2021 г., № 06/21/27/1116.

[3] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 23 июня 2022 года № 343 «О дальнейшем совершенствовании деятельности махаллинских пунктов правопорядка» / Национальная база данных законодательства, 23.06.2022 й., № 09/22/343/0549.

психолог по делам несовершеннолетних, члены общественной группы «Фидокор ёшлар» – не менее 4 человек);

- ***Вторая группа***, т.е. должностные лица ОВД, осуществляющие вспомогательные функции по обеспечению общественной безопасности на территории МПП (инспектор по вопросам женщин, инспектор подразделения пробации, оперативный сотрудник, сотрудники патрульно-постовой службы, закрепленные за территорией данного МПП – не менее 4-5 сотрудников);

- ***Третья группа***, т.е. должностные лица иных государственных органов, в сотрудничестве с ОВД участвующих в обеспечении общественной безопасности на территории МПП (сотрудники подразделения Национальной гвардии и других уполномоченных государственных органов), а также представители общественных формирований, оказывающие содействие охране общественного порядка и профилактике правонарушений – определяется по согласованию, исходя из условий данного МПП, как правило, не менее 4-5 человек).

Значит, в среднем каждый МПП включает достаточное количество сотрудников, которые при правильной организации работы вполне могут эффективно выполнять поставленные задачи. Для нормального функционирования МПП место его дислокации (здание опорного пункта схода граждан либо отдельное здание) должно иметь не менее семи комнат, оснащенных в необходимом объеме мебелью, связью, интернетом, оргтехникой и другим имуществом. Также в здании МПП должна быть комната отдыха с диваном, обеденным столом и стульями, телевизором, микроволновой печью и холодильником.

Границы территории, обслуживаемой МПП, охватывают близлежащие не менее пять махаллей (кишлаков, аулов), определяются начальником ОВД по согласованию с хокимом и утверждаются постановлением МВД, Совета Министров Каракалпакстана, хокимов областей и города Ташкент с присвоением МПП порядкового номера. Прикрепленные к МПП сотрудники отраслевых служб ОВД обязаны регистрироваться в специальном журнале, который ведется в МПП.

**К основным задачам МПП относятся**:

- непосредственное осуществление охраны общественного порядка, профилактики правонарушений и борьбы с преступностью на территории, прикрепленной к МПП;

- организация взаимодействия ОВД, других государственных органов и общественных формирований в обеспечении общественной безопасности;

- участие в решении проблем населения, а также социальной адаптации лиц с антисоциальным поведением, пострадавших от правонарушений, совершивших правонарушения;

- раннее предупреждение, выявление и раскрытие правонарушений на закрепленной территории с применением средств видеонаблюдения.

Непосредственное руководство деятельностью МПП, организация на вверенной территории охраны общественного порядка и профилактики правонарушений осуществляется старшим инспектором профилактики. Он несет персональную ответственность за результаты работы МПП, осуществляет контроль за деятельностью работников, определяет маршруты патрулирования и организует патрульную службу, координирует деятельность привлекаемых к работе МПП сотрудников и представителей общественности. К его полномочиям отнесены утверждение планов работы МПП, внесение предложений о поощрении сотрудников МПП, а также представлений о приеме на службу в ОВД помощников инспектора профилактики.

Итак, деятельность МПП носит комплексный правоохранительный характер, она осуществляется на единой основе с привлечением сил и средств, не входящих в систему ОВД. Характеризуя деятельность МПП можно, по нашему мнению, отметить, что ей присущи следующие черты:

- единство цели и задач: обеспечение правопорядка и общественной безопасности;

- определенная территория, закрепленная за МПП;

- межведомственный и межотраслевой характер деятельности (он объединяет разных субъектов, обладающих различным правовым статусом и объемом полномочий в сфере обеспечения правопорядка и общественной безопасности;

- функциональная специализация сотрудников МПП, нацеленность каждого из них на выполнение конкретных задач и функций;

- возможность обеспечивать координацию и сотрудничество непосредственно «*на земле*», решать проблемы, имеющие «стыковой» характер, фокусировать усилия разных ведомств на конкретных участках работы.

Касательно организации службы МПП, необходимо отметить, что законодатель определил основным направлением деятельности данной

структуры комплексное обеспечение общественной безопасности, профилактику противоправных действий, имеющей системный характер, поскольку она должна соединять силы и средства нескольких ведомств и институтов гражданского общества. По сути, основной задачей сотрудников МПП является профилактика правонарушений.

Профилактическую деятельность ОВД традиционно делят на общую и специальную, в рамках которой выделяют индивидуальную профилактику. Специалисты к элементам индивидуальной профилактики относят:

– выявление и проверку выявленных лиц, находящихся в состоянии конфликтности, враждебности, постановку их на профилактический учет;

– воздействие на выявленных лиц после изучения факторов, которые определяют их противоправное поведение;

– постоянное наблюдение и контроль за последующим поведением и образом жизни лиц, состоящих на учете;

– оздоровление социальной среды, способствующей возникновению, обострению конфликта и перерастанию его в правонарушение;

– профилактическое воздействие на «потенциальных потерпевших» (лиц, создающих конфликтную ситуацию) с целью достижения превентивного виктимологического эффекта;

– выявление лиц, проявляющих в поведении антиобщественные интересы (пьянство, наркомания, азартные игры и др.);

– постоянную проверку результатов проведенных профилактических мероприятий[1].

Говоря о проблемах, требующих своего решения в плане организации деятельности МПП, следует уточнить механизм, конкретные формы и процедуры совместной работы работников МПП, являющихся работниками ОВД, с сотрудниками других правоохранительных органов и общественных формирований.

Таким образом, результативность деятельности службы общественной безопасности будет зависеть от соответствующего правового обеспечения, постоянного взаимодействия службы с другими подразделениями ОВД, иными органами государства и общественными организациями, а также осуществления общественного контроля над их работой.

---

[1] Криминология: Учебник для вузов / Под общ. ред. А. И. Долговой. М., 2001. – С. 440.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада маҳаллий ички ишлар органлари ва жамоат хавфсизлиги хизмати раҳбарлари, профилактика инспекторларининг ишлари ҳамда ҳисоботлар бериш тартиби, шунингдек, маҳаллалар ҳуқуқ-тартибот масканлари тузилмаси ва фаолиятининг хусусиятларига аниқлик киритишга оид қонун ҳужжатларидаги ўзгартишларнинг моҳияти ва мазмуни таҳлил этилган.

*****

В статье проводится анализ сущности и содержания внесенных в законодательство поправок, касающихся уточнения порядка работы и отчетности руководителей ОВД и служб общественной безопасности, инспекторов профилактики, а также особенностей структуры и деятельности махаллинских пунктов правопорядка.

*****

The article analyzes the essence and content of the amendments made to the legislation regarding the clarification of the procedure for the work and reporting of the heads of local police departments and public security services, prevention inspectors, as well as the features of the structure and activities of mahalla law enforcement points.

**Алишер УСМАНОВ,**
**Жисмоний тайёргарлик цикли бошлиғи, полковник**

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ШАХСИЙ ТАРКИБИ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ БАЪЗИ ҲОЛАТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими, хусусан ички ишлар органлари ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашнинг асосий омили ҳисобланади. ИИО ходимлари касбий фаолиятининг асосий таркибий қисмларидан бири – жисмоний тайёргарлигининг ҳозирги талаб даражасида бўлиши билан ажралиб туради. Бу жиноий элементларнинг ҳужумларини қайтариш учун доимий равишда жанговар тайёргарлик ҳолатида бўлиши зарурати билан боғлиқ. Ходимлар ўз хизмат фаолиятида экстремал вазиятларга нафақат замонавий куроллардан, балки махсус жисмоний тайёргарлик усуллари ҳамда воситаларидан фойдаланган ҳолда ўз вақтида жавоб қайтаришлари шарт.

Илмий ва махсус адабиётларда ички ишлар органлари ходимлари жисмоний тарбиясининг мазмуни, йўналиши ва методикаси муаммосига катта эътибор берилади. Ушбу муаммолар доираси меъёрий ҳужжатларда ҳам кўрсатилган. Бу эса ходимлар жисмоний тайёргарлигининг давлат ва жамият учун аҳамияти ҳамда долзарблигини кўрсатади. Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўрни жуда юқори. Ички ишлар органларининг самарали ва мувофиқлаштирилган ишидан, мазкур жамоат тузилмалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлигидан нафақат жамият, балки ҳар бир фуқаронинг осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши кўп жиҳатдан шу ҳолатларга боғлиқ бўлади.

Ички ишлар органлари ходимларига қўйилган талаблардан келиб чиқиб, юксак маънавий-ахлоқий тамойиллар ҳамда муносиб ҳуқуқий жанговар ва жисмоний тайёргарликка эга бўлган ходимлар назарда тутилади. Қонун нормаларини билиш ва уларни хизмат фаолиятида қўллаш қобилияти ушбу тизимда юксак даражада зарурий элемент ҳисобланади. Демак, жисмоний машқлар ва юкламаларнинг ички ишлар органлари ҳамда бошқармалари, бўлимлари шахсий таркибига бўлган ижобий таъсирини қайд этмаслик мумкин эмас?!

Маълумки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида жисмоний тарбия ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу эҳтиёж ишнинг ўзига хослиги билан боғлиқ: қонунни бузганларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш, ички ишлар органи ходимига нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва бошқалар. Шу муносабатга кўра, ички ишлар органларига илк бор хизматга кирган ходимни ўқитиш учун шахсий хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифа ҳисобланади. Бу ҳолат ички ишлар органларининг барча бўлим ва бўлинмалари ходимларига тегишли бўлиб, расмий вазифаларни бажаришнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Масалан, патруль-пост хизмати ходимининг вазифаларига маршрут, шу жумладан тунда патруллик қилиш киради. Бу эса унинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдиради. Ходим ўз хавфсизлигини унутмасдан, бошқа фуқароларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишга мажбурдир. Патруль-пост бўлинмалари фаолияти натижалари жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлиги учун айни муддаодир.

Ҳуқуқбузарларни ушлаш ва тартибга чақириш ички ишлар органлари ходимларининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлганлиги сабабли ҳам шахсий жанговар ва жисмоний тайёргарлигидаги юқори талаблар қўйилмоқда. Айни пайтда бу ҳолатнинг ўта муҳимлигига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Ички ишлар органлари ходимлари хизматининг амалий тажрибаси ҳамда жанговар ва жисмоний тайёргарлиги натижасидаги муаммолардан келиб чиқиб, таъкидлаш керакки, шахсий таркибнинг жисмоний тайёргарлиги муҳимлигига етарлича баҳо бермаслик эса асоссиз йўқотишлар ва қўпол касбий тажовузларга олиб келади. Кўпинча бундай ҳолат сабаблари ўлароқ ходимлар ўртасида қўл жанги кўникмаларининг етишмаслиги, шаклланган профессионал жисмоний ва ақлий фазилатларнинг пастлиги, психофизиологик функциялар ҳамда шахсий хусусиятлар, нотўғри мослашиш, салбий касбий кўрсаткичлар, касбий деформациянинг бошланиши ва бошқалар. Натижада оператив фаолиятнинг қийин вазиятларида баъзи ходимлар ўзини йўқотиб қўяди, вазиятни тезда баҳолай олмайди ҳамда тўғри қарорга келмайди? Демак, оқибатда расмий фаолиятнинг умумий самарадорлиги пасаяди. Бошқа томондан, соғлиғи яхши, касбий кўрсаткичлари юқори, жисмонан ривожланган ва психологик жиҳатдан барқарор ходим, қоида тариқасида

қўл жанги ёки жанг санъатининг бошқа турларида ўзига ишончи борлиги, ўзига юкланган вазифаларни муваффақиятли бажариши ҳамда хизмат фаолияти давомида салбий вазиятларнинг юзага келиш эҳтимоли камайиши аниқланди.

Шу муносабат билан ходимларнинг жисмоний тайёргарлиги ҳолати ва даражаси масалалари давлатимиз ҳамда Ички ишлар вазирлиги раҳбариятлари томонидан алоҳида назоратга олингани, Ўзбекистон Республикасининг “*Ички ишлар органлари тўғрисида*”ги қонунда ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон: **«Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори асосида ички ишлар органлари ходимларининг жанговар, жисмоний ва маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириш чора-тадбирларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Бу билан ходимлар ўртасида семириш ва ортиқча вазнга эга бўлган шахсларни аниқлаш, улар билан қўшимча жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш, шифокорлар томонидан уларга тўғри овқатланиш бўйича маслаҳатлар бериш йўлга қўйилди.

Ички ишлар вазирлигига қарашли таълим муассасаларида, жумладан МОИда жисмоний тарбия ўта муҳим ўқув-машғулот интизоми бўлиб, асосий вазифаси: ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, фуқароларни жиноий ва бошқа қонунларга қарши тажовузлардан ҳимоя қилиш борасида курсантлар ва тингловчилар касбий тайёргарлигини янада мустаҳкамлайди. Жисмоний тарбия дастурига енгил атлетика, гимнастика, қўл жанги каби машқлар турлари ҳамда спорт ўйинлари киради.

Таъкидлаш жоизки, жамият ва давлатга қарши жиноятлар сонининг камайиши ўлароқ, айни пайтда жиноий хуружларни содир этишнинг янги шакллари ва воситалари пайдо бўлмоқда.

**Жисмоний тарбия машғулотларида курсантлар ва тингловчиларга қуйидаги талаблар қўйилади**:

- *соғлом турмуш тарзи ва умумий кўрсаткичларнинг юқори даражаси;*

- *экстремал шароитларда ҳаракатларни бажариш учун жисмоний ва маънавий-психологик тайёргарликнинг мавжудлиги, тезкор хизмат вазифаларини самарали ва муваффақиятли ҳал қилиш учун жисмоний куч*

*ва жанговар кураш усулларидан фойдаланишнинг қонунийлигига риоя этилишини белгилайди*.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички ишлар бўлимлари ва бошқармаларининг сафдор ҳамда бошлиқлар таркиби, шунингдек таълим муассасалари тингловчилари ва курсантларининг жисмоний тайёргарлиги сифатини ошириш, маънавий-ахлоқий ва иродавий фазилатларини мустаҳкамлаш бўйича фаол ишлар амалга оширилмоқда. Яъни, Ички ишлар вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишда муайян муаммолар мавжуд. *Биринчи навбатда* лицейлар, Академия ва Малака ошириш институтида жисмоний тайёргарлик бўйича таълим дастури ҳамда синфлар сонини кўпайтиришни қайта кўриб чиқиш зарур. Дастурда *"қўл жанги"* бўлимининг машғулотлар сонини ошира бориш лозим. Бунда тик турган ва ётган ҳолда кураш усуллари, бўғиш усуллари, ушлаб ва қучоқлаб олиш курашларидан қутулиш усуллари, зарба бериш ва зарбалардан ҳимояланиш техникасини ўзлаштириш киради. Бундан ташқари, *иккинчи навбатда* аёл ходималар учун *“қўл жанги”* техникаси бўйича махсус курс ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларида ички ишлар органлари ходимларининг касбий маҳоратни эгаллашда жисмоний тайёргарлик муаммоларини таҳлил қилиш асносида ушбу жараённи оптималлаштириш зарурати пайдо бўлди. Муҳими ички ишлар органларига хизматга (ўқишга) кириш номзодларининг жисмоний тайёргарлиги етарли даражада эмаслигини қайд қиламиз. Бу умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва коллежларда жисмоний тарбия таълими самарадорлигининг пастлиги билан боғлиқ. Натижада таълим муассасалари ва ички ишлар бўлимларида жисмоний тайёргарлик жараёнига юклама ортиб бормоқда. Афсуски, бу ҳолатдан чиқиш йўли ҳали топилмади, чунки жойларда хизматга (ўқишга) кириш номзодларининг жисмоний тайёргарлиги бўйича кадрларни танлаш ва тайёрлаш оқилона тарзда амалга оширилмаяпти?!

**Вазирлик тизимидаги таълим муассасаларида “Жисмоний тарбия”ни ўқитиш амалиёти танқидий таҳлили жиҳатдан қуйидаги турлар (типик) қийинчиликларни келтириб чиқармоқда**:

- *жисмоний машқларнинг зарурий частотаси йўқлиги;*

*-жисмоний тайёргарлик даражаси ҳамда эркак ва аёл ўқув гуруҳларининг номутаносиблиги;*

- *ўқув жараёнининг касбий-амалий йўналиши аниқ тарзда эмаслиги;*

- *мавзулар режалари мазмуни жиҳатидан замонавий амалиётдан бирмунча ажралганлиги;*

- *жисмоний тарбия тизимининг яқинлиги, унинг хорижий ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари илғор тажрибаларидан ажралиб қолганлиги;*

- *спорт базаси ва техник таъминот етарли эмаслиги, замонавий спорт анжомлари етишмаслиги назарда тутилиши керак*.

Бу муаммоларнинг деярли барчаси осонликча бартараф этилади ҳамда тингловчи-ходимлардан қўшимча ҳаракатларни тўплашни талаб қилмайди, мустақил жисмоний такомиллаштириш учун улар мотивациясининг етарли даражада йўқлиги билан боғлиқ масалалар бундан мустаснодир. Дарвоқе, *мотивация - шахс хулқ-атворининг асоси, фаолият манбаи ва рағбатлантириш тизимидир*. Ҳар қандай таълим тури (жумладан, жисмоний тайёргарлик) мотивацияни амалга ошириш олий таълим психологияси ва педагогикасининг асосий вазифаларидан биридир. Амалий маънода, тингловчи-ходим учун мотивацион асосни яратиш муаммосини ҳал қилиш, унга таълимнинг энг мақбул йўлларини аниқлаш ҳамда илмий асосларини шакллантиришга ёрдам беради.

Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасаларида жисмоний тарбия фанининг ўқитилиши кўпроқ амалий йўналтирилганлигидан далолат беради. Бу эса битирувчиларнинг жисмоний кўрсаткичларига нисбатан юқори талабларга боғлиқ бўлади. Демак, жамият ва давлатнинг амалий эҳтиёжларини рўёбга чиқариш учун жамоат тартиби ва қонун устуворлигининг яхлитлиги ҳамда хавфсизлигини ҳимоя қилади, яъни ички ишлар органлари хизматида илк иш бошлаган шахсларни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш жараёни ҳозирги вақтда таълим маданияти босқичига мос келадиган жисмоний тарбия назариясига асосланади. Бунда эса қобилиятли кадрларни тарбиялаш соҳасидаги имкониятлари учун эътибор бериш ниҳоятда зарурдир.

## РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ички ишлар органлари шахсий таркибининг жисмоний ҳолати ҳамда муаммолари кенг ёритилган. Вазирликнинг ходимларга қўйиладиган талабларидан келиб чиқиб, юксак маънавий-ахлоқий тамойиллар ҳамда муносиб ҳуқуқий жанговар ва жисмоний тайёргарликка эга бўлган шахслар назарда тутилган. Юксак малакали ходимни етиштиришнинг энг муҳим босқичи Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасаларида билимли ходимни тайёрлаш бўлиб, чунончи Малака ошириш институтида асосий турлардан бири - жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўлиши кераклиги ёритилган.

*****

В данной статье широко освещается современное физическое состояние личного состава органов внутренних дел и их проблемы. Исходя из требований к сотрудникам органов внутренних дел, подразумеваются то есть лица с высокими морально-этическими принципами, имеющие достаточную правовую боевую и физическую подготовку. Важнейшим этапом подготовки высококвалифицированного сотрудника является обучение сотрудника в образовательных учреждениях МВД, в том числе Института повышения квалификации, где уточняется, что одним из основных видов подготовки должна быть боевая и физическая подготовка.

*****

This article widely covers the current physical condition of the personnel of the internal affairs bodies and their problems. Based on the requirements for employees of the internal affairs bodies, real employees are meant, that is, persons with high moral and ethical principles who have sufficient legal combat and physical training. The most important stage in the training of a highly qualified employee is the training of an employee in educational institutions of the Ministry of Internal Affairs, which specifies that one of the main types of training should be combat and physical training.

**Олимжон СУБАНОВ,**
**Юридик фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник**

## ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАВСИФИ

**(*Гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддалар мисолида*)**

Гиёҳвандлик ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш ва тарқалишининг олдини олиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Зеро, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши аҳолининг ҳаёти ҳамда соғлиғига жиддий хавф туғдиради, бошқа жиноятларнинг ўсиши, коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг тарқалишига имкон туғдиради, жамоат тартиби ва хавфсизлигига таҳдид солади, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий асосларини емиради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 21 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессиясидаги маърузасида: "*Биз бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни давом эттирган ҳолда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мазкур Бошқармаси иштирокида Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларини қамраб оладиган, Гиёҳвандликка қарши умумий Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ниятидамиз*",-дея маълум қилди[1].

Фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш жамият ҳаётининг муҳим шартларидан ҳисобланади, чунки саломатлик инсон учун ҳаёт каби энг олий ва ажралмас неъматдир. Соғлиқни муҳофаза қилиш тизими бевосита сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий, илмий, тиббий ҳамда санитар-гигиеник каби йўналишлардаги комплекс чора-тадбирлар орқали амалга оширилиб, ҳар бир инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган. Шу муносабат билан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамда соғлиғини муҳофаза қилишда ҳуқуқий чоралар муҳим аҳамият касб этади.

Жамият учун хавфли иллатлардан ҳисобланган гиёҳвандлик муаммоси сўнгги йилларда нафақат республикамиз, балки бутун дунё жамоатчилигини ҳам ташвишга солмоқда. Гиёҳвандлик инсон соғлиғининг кушандаси, қанчадан-қанча инсонларнинг умрига, саломатлигига зомин бўлаётган

[1] Халқ сўзи. 2021 йил 23 сентябрь.

иллатдир. Мамлакатимизда ҳам жиноятчиликка, шу қатори гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларга қарши курашиш ва уларнинг барвақт олдини олиш борасида давлат ва ҳукумат даражасида профилактик тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жиноят кодексининг XIX-бобидаги 270-271, 273-276-моддаларида назарда тутилган[1] жиноятларнинг криминалистик тавсифи қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади.

1. Фуқароларнинг тақиқланган экинларни, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш (ЖК 270-м.), истеъмол қилиш ёхуд бошқаларга ўтказиш ниятида эканлигини аниқлаш керак. Амалиётда бундай хатти-ҳаракат кўп миқдорда даромад олиш учун содир этилса-да, гўё экинларни кексайган шахс ўзи учун парвариш этгани ҳақида ёлғон тушунтириш бериш кўп учрайди. Тақиқланган экинларни агроном-селекционер, давлат суд-экспертиза муассасалари ёрдамида экспертиза қилиниши лозим бўлади.

2. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш (ЖК 271-м.). Уларни қўлга киритиш усули қонунга хилоф эканлиги, масалан ўғирлик, фирибгарлик, талончилик, босқинчилик тарзида бўлганлиги, фуқаро илгари ҳам бундай қилмиш билан шуғулланганлиги, тамагирлик, ўз мансаб мавқеини суиистеъмол этганлиги, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан кўп миқдорда ва уюшган гуруҳ таркибида тажовуз қилганлиги, ҳатто ўта хавфли рецидивист экани албатта синчковлик билан аниқланмоғи лозим?!

Шунингдек гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалари қаердан, қонунга хилоф равишда эгалланган ва кимлар орқали сотиш ва тарқатиш мўлжалланганига алоҳида эътибор берилиши зарур. Уларни контрабанда қилиш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган (ЖК 246-м.).

3. Турли йўллар билан ушбу моддаларни бошқаларга ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ман қилинади (ЖК 273-м.). Мазкур жиноятлар ушбу жиноятларнинг энг жиддий тури ҳисобланади. Жиноятнинг предмети бўлган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг миқдорларига қараб Жиноят кодексининг квалификацияси ўзгаради. Шу боис жиноят

[1] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.-Т., 2022. https://lex.uz/docs/111453.

предметининг нималардан иборат эканлиги ва қанча миқдордалиги албатта давлат суд-экспертиза муассасалари экспертлари томонидан аниқланади. Тергов жараёнида айбланувчининг шахсини, муқаддам ушбу турдаги жиноятларни содир этганлиги учун судланганлигини, уюшган гуруҳга аъзолигини аниқлаш зарур.

Ушбу жиноятлар барча ўқув юртларида, спорт ёки турли жамоат тадбирлари ўтказилаётган жойларда ёхуд жазони ижро этиш муассасаларида содир этилиши айниқса хавфли ҳисобланади.

Жиноят таркибига баҳо беришда яна бир ҳолатни эътиборга олиш лозим: гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш назарда тутилган қилмишларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва мазкур моддаларни топширса, жазодан озод қилинади. (ЖК 273-м 6-қисми ва 276-м. 3-қисми).

4. *“Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”* 1999 йил 19 августдаги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар фақат давлат эҳтиёжлари учун буюртмага мувофиқ махсус лицензияга эга бўлган муассаса, корхона, ташкилот томонидан ишлаб чиқарилади. Уларни тайёрлаш, аниқлаш, фойдаланиш, бошқаларга бериш, ташиш, жўнатиш каби ҳаракатлар қатъий тартибга солинган. Ушбу турдаги жиноятларнинг содир этилиши маъсул шахсларнинг қатъий тартибга риоя қилмасликнинг нимада ифодалангани, сабаблари ва оқибатлари жиноят иши бўйича батафсил аниқланмоғи лозим.

*Юқорида санаб ўтилган хусусиятларга эга ва махсус гиёҳвандлик моддалар рўйхатига киритилган, Халқаро ягона конвенция назоратида бўлган ўсимликлардан саноат асосида ёки хонаки тайёрланган воситалар ғайриқонуний ҳисобланади.* Назоратда бўлган бундай воситалар рўйхати психотропик хусусиятга эга бўлган (руҳиятга таъсир этувчи) янги доривор воситалар ҳисобига муттасил кўпайиб бормоқда. Уларни даволашдан бошқа мақсадларда ишлатиш ҳолатлари кўпайганлиги сабабли бундай моддалардан фойдаланиш қатъий равишда ҳуқуқий тартибга солинган. Ноқонуний ҳаракатлар тўғрисидаги ишни тергов қилишда жиноят субъектининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш керак: кўп ҳолатларда айбдор шахс гиёҳвандлик воситаларига муккасидан кетган бўлади, яъни усиз тура олмайди. Гиёҳвандлик мушкул оқибатларга олиб келишини тергов

жараёнида эътиборга олиш керак (гиёҳвандларни сўроқ қилиш, юзлаштириш, тергов экспериментлари ўтказиш кабилар). Гиёҳвандларнинг типик белгилари ёлғон сўзлаш, ахлоқий таназзулга юз тутиши ва ақлан заифлашиб қолишидир.

*Жиноят ишини қўзғатиш.* Тезкор-қидирув тадбирлари, шунингдек текшириш ва тафтиш жараёнида ўғирлик, мансабдор шахснинг ноқонуний ҳаракатлари, гиёҳвандлик восита ва психотроп моддаларни ҳисобга олиш, сақлаш, бериш қоидаларининг бузилиши ёки гиёҳванднинг шифохонага тушиши билан боғлиқ тергов органлари томонидан суриштирув ўтказиши натижасида аниқланган ҳолатлар жиноят ишини қўзғатишда, энг кўп учрайдиган сабаблар ҳисобланади.

Гиёҳвандларни қўлга олишнинг энг самарали усули тўсатдан ҳаракат қилиш ҳисобланади. Жиноятни содир этиш усуллари ва ниқобланиши тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиб, қўлга тушириладиган жой белгиланади. Қўлга тушириш гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддаларни олиб кетаётган транспортда, тураржойда олди-сотди битими амалга оширилаётганда, кўкнори ва нашадан гиёҳванд моддасини тайёрлаётганда, қабул қилаётган ва маълум жойда сақлаётганда, истеъмол қилаётганда, жўнатаётганда, сотаётганда амалга оширилади. Шунингдек, тақиқланган ўсимликларни етиштиришда, экишда, ишлов бераётганда, ҳосилини йиғиштириб олаётганда, бундан ташқари, фармацевтика фаолияти йўналиши бўйича ўғирланган гиёҳвандлик воситаларни олиб чиқаётганда, дорихона ёки даволаш муассасасида уларни сохта рецепт бўйича олиб кетаётганда ҳам қўлга тушириш мумкин.

Гиёҳвандлик воситаларини фармацевтика корхоналари, даволаш муассасалари, дорихоналардан ўғирлик йўли билан олганларни тергов қилишда қуйидаги масалаларга:

- ўғирлик содир этилганми, ким содир этган, қандай усулда амалга оширилган, мунтазам содир этиб турилганми, ўғирланган гиёҳванд моддалар миқдори, ўғирланган модда қаерга яширилган, ўғирликдан мақсад истеъмол қилишми ёки сотишми, олиб-сотарлар билан олдиндан келишиб олинганми, ўғирланган моддалар қайси йўллар билан тарқатилганлигига ойдинлик киритиш керак.

Муайян шахсда гиёҳвандлик воситаларининг мавжудлиги тугалланган жиноят таркибини ташкил этади. Чунки қонунга кўра, бу воситаларни Ўзи истеъмол қилиш учун олганлар жавобгарликка тортиладилар гиёҳвандлик

воситаларини тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар уюшган гуруҳ томонидан амалга оширилади. Шу сабабли жиноятга алоқадор барча шахсларни аниқлаш зарур!? Гумон қилинганларни жиноят устида қўлга олишда гувоҳ бўлганлар ҳам асосан ушбу вазият билан боғлиқ шахс ҳисобланади. Бу гувоҳларни сўроқ қилиш зарур, чунки қўлга олинган жиноятчи шахс уни фош қиладиган предметлар меники эмас, деб тониши мумкин. Агар жиноятчи шахс гиёҳванд воситаларни олиб кетаётганда ушланса, автобус ва троллейбус ёки бошқа транспорт воситаларига қаерда ўтиргани, қандай одамлар уни кузатгани, унинг қўлида нима бор эканлигини аниқлаш зарур. Бу саволларга йўлда ҳамроҳ бўлганлар, автотранспорт хайдовчилари, автобус кондукторлари ва кассирлари жавоб беришлари лозим.

Гиёҳванд моддалари билан ноқонуний савдо қилувчи шахслар кўп ҳолларда транспортнинг такси туридан фойдаланадилар. Такси ҳайдовчилар мижозини қайси манзилга етказиб қўйгани ва кимлар билан учрашгани тўғрисида маълумот бериши мумкин. Айбланувчи шахснинг қариндош-уруғлари, таниш-билишлари, қўни-қўшниларидан унинг ҳаёт тарзи, жиноий шериклари, учрашувлари ва сафарлари тўғрисида сўраш керак. Гувоҳларни сўроқ қилиш жиноят содир этган шахс ушлангандан кейин дарҳол ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда улар ўзаро тил бириктириб ёлғон кўрсатув беришга келишиб олишлари мумкин?!

Жиноятнинг ташкилотчилари ва асосий иштирокчиларини сўроқ қилишда тинтув вақтида топилган далиллар, гувоҳлар кўрсатувлари, эксперт хулосаларидан мохирона фойдаланилмаса, сўроқ яхши натижа бермайди. Топилган нарса гиёҳвандлик хусусиятга эга эканлиги фақат экспертиза воситасида аниқланади. Мазкур тоифадаги ишлар бўйича комплекс суд-тиббиёт ва суд-психологик экспертиза ўтказиш ҳамда экспертлар ҳал қилиши учун кўпинча қуйидаги саволларни қўйиш керак:

- *текширилаётган шахс яқинда гиёҳванд восита қабул қилганми, унда сурункали норкоманлик белгиси мавжудми;*

- *у наркотик моддаларга қарши ўтказиладиган мажбурий даволатишга мажбурми;*

- *у жиноят содир этилган вақтда гиёҳвандлик таъсирида бўлганми ва бошқалар.*

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар натижасида фуқароларимизнинг турмуш шароити узлуксиз юксалиб бормоқда, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла рўёбга чиқарилиши

учун барча қулай имкониятлар юзага келмоқда. Буларнинг барчаси шахс эрки, унинг ҳаёти, саломатлиги ва шахсий ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш, фуқаролар ҳуқуқий муҳофазаси самарадорлигини ошириш, шахс-жамият-давлат муносабатларида шахс манфаатлари устуворлиги тамойилига оғишмасдан амал қилиш эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда гиёҳвандлик – XXI асрнинг глобал муаммоларидан бирига айланиб улгурди. Ўрта асрларда инсоният ҳаётига жиддий хавф солган вабо ва ўлат каби офатлар бугунги цивилизация замонига келиб ўз ўрнини гиёҳвандлик иллатига бўшатиб берди, десак асло муболаға бўлмайди. Соғлом турмуш тарзини олиб бораётган фуқаро билиб-билмай бу кўчага кириб қолса, ўзининг тинч, фаровон ва бахтли ҳаётини қора зулматга айлантириши айни ҳақиқат. Гиёҳвандлик нафақат унга, балки яқинларига ҳам тўхтовсиз азоб беради. Ундан туғилажак фарзандлар эса ота-онасининг хатоси оқибатида бир умрга мажруҳлик қисматига мубтало бўладилар.

Умуман олганда, гиёҳвандлик ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларининг сабаблари ҳамда содир этилишини аниқлаш – уларни бартараф этиш борасида Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари ва ходимлари илмий-амалий ва методик тавсиялар тайёрлашда фаол бўлиб, жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда ушбу турдаги жиноятларнинг барвақт олдини олишга ўзларининг самарали ҳиссаларини қўшадилар, албатта.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада гиёҳванд ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг криминалистик тавсифи, уларнинг турлари ҳамда ушбу жиноятларнинг олдини олиш ва фош этиш борасидаги билимлар, шунингдек, ушбу турдаги жиноятларга қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

*****

В статье дана криминалистическая характеристика преступлений незаконного обращения с наркотическими или психотропными веществами, их виды, знания по профилактике и раскрытию этих преступлений, а также рекомендации по совершенствованию деятельности по борьбе с данными видами преступлений.

*****

The article gives a forensic description of crimes of illegal handling of narcotic drugs or psychotropic substances, their types, as well as knowledge on the prevention and detection of these crimes, as well as recommendations for improving activities to combat these types of crimes, were developed.

**Кенжабай БЕЙСЕНОВ**
**Касбий тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли ўқитувчиси, подполковник**

# АЁЛЛАРНИ ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ҲОЛАТИДА ЖАЗОНИ ЎТАШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Аёл бахтли бўлса, оила ва жамият ҳам албатта бахтли бўлади. Шунинг учун ҳам барчамиз – Президентдан тортиб энг қуйи бўғиндаги раҳбар ва мутасаддилар ана шу олий мезонга амал қилиб ишлашимиз зарур. Шундагина халқимиз ҳам, Яратган ҳам биздан рози бўлади.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Мамлакатимиз жиноят-ижроия кодексининг таҳлилига кўра, озодликдан маҳрум қилинган аёлларнинг аҳволини яхшилашга оид айрим нормалар мавжуд. Жумладан, Жиноят-ижроия кодексининг 84-моддаси 1-қисмига кўра, аёллар сақланадиган колонияларда бир маҳкумга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси, эркаклар муассасаларидаги сингари икки квадрат метр эмас, балки уч квадрат метрни ташкил этади[1]. Бундан ташқари, Кодекснинг 132-моддасида белгиланишича, маҳкума аёллар уч ёшга тўлмаган болаларни жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштириши ва ишдан бўш вақтида улар билан чекланмаган миқдорда мулоқотда бўлишга ҳақли[2].

Таъкидлаш жоизки, маҳкуманинг ўз фарзанди билан яшаши учун фақат тегишли маиший шароитлар мавжуд бўлганида имконият пайдо бўлади. Уларга алоҳида хона ажратиш имконияти яратилиши лозим. Жазони ижро этиш муассасаларида бўш хоналар билан боғлиқ қийинчиликларни ҳисобга олиб, колониялар маъмурияти томонидан одатда бир хил ёшдаги болаларга эга икки-учта аёлларга битта хона ажратилади. Бундай хоналар барча зарур нарсалар ҳамда санитария-техник

[1] Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 84-моддаси. Т.: “Ўзбекистон”. 2021 йил.

[2] Жиноят-ижроия кодекси 132-моддасининг иккинчи қисми. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 июндаги ЎРҚ-625-сонли таҳририда – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.07.2020 й., 03/20/625/1007-сон.

ускуналар билан жиҳозланиши ва болалар яшаши учун мослаштирилган бўлиши шарт.

Суд томонидан аёлга тайинланган жазони ижро этиш колониясининг тури амалда ҳеч қандай роль ўйнамайди, боиси Ўзбекистонда ягона аёллар колонияси фаолият юритиб, у ерда умумий ва қаттиқ режимда жазони ўташга ҳукм қилинган аёллар, шунингдек вояга етмаган аёл жиноятчилар, ҳомиладор аёллар ва уч ёшгача болали аёллар сақланади. Ўзбекистон Республикасида айрим тоифадаги маҳкумлар сақланадиган 21-сонли жазони ижро этиш муассасаси Тошкент вилояти, Зангиота туманида жойлашган. Колония бир неча қисмдан иборат. Унда учрашув хоналари, маданият маркази ва кутубхона, болалар уйи, ётоқхона, ошхона, ишлаб чиқариш ҳудуди ва маъмурият ходимлари учун хизмат идоралари жойлашган.

Марказнинг биринчи қаватида маҳкумалар учун кутубхона жойлашган. Унинг фонди 9 мингдан ортиқ китобга эга. Маҳкумаларнинг 80 фоизи кутубхонанинг доимий аъзоси ҳисобланади. Колонияда маҳкумалар ва яқинлари кўришадиган учрашув хоналари мавжуд. Унда маҳкумалар ва яқинлари узоқ ва қисқа муддатда учрашишлари мумкин. Учрашувлар муддати маҳкумаларни кўришга келганларнинг қариндошлик даражасига қараб белгиланади.

Маҳкума аёллар учун вояга етмаган болалари билан бир йилда тўрт марта, муддати беш суткагача бўлган муддатли учрашув, манзил-колонияда эса ишдан бўш вақтда муассаса ҳудудидан ташқарида яшаш имкониятига кўра, узоқ муддатли учрашувлар чекланмаган миқдорда берилади. Шунингдек, маҳкума аёлларнинг муассасадан ташқаридаги болалар уйларидаги вояга етмаган болалар билан учрашувлари уларнинг илтимосига кўра амалга оширилади. Мамлакатда ижобий тавсифга эга маҳкума аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод этилган вақт мобайнида, шунингдек боласи уч ёшга тўлгунга қадар муассаса бошлиғининг прокурор тасдиқлаган қарори билан колония ҳудудидан ташқарида яшашга рухсат этилади. Маҳкума аёлларни сақлашга мўлжалланган колониялар қошида болалар уйи ташкил этилган. Унда болаларнинг нормал яшаши ва камол топиши учун зарур шароитлар яратилган. Бу ерда 2 ойлик чақалоқдан тортиб, 3 ёшгача бўлган гўдаклар истиқомат қилади. Таъбир жоиз бўлса, “*болалар уйи*” – “*кичик ҳовузча*” бутун дунё деб, тасаввур қилувчи балиқча ҳаётини эслатади.

Болалар уйида педиатр, психолог, тарбиячилар хизмат кўрсатишади. Бола уч ёшга тўлганидан кейин онасининг розилиги билан унинг қариндошларига ёки ҳомийлик ва васийлик органининг қарорига биноан, бошқа шахсларга берилиши ёхуд тегишли болалар муассасаларига юборилиши мумкин.

Агар маҳкуманинг жазони ўташ муддати тугашига бир йил қолган ва у оналик бурчларини тўлиқ бажариб келган бўлса, муассаса маъмурияти боланинг болалар уйида яшаш вақтини узайтириши мумкин. Бу ерда маънавий-маърифий жиҳатга алоҳида эътибор берилади. Телевиденияда “Ахборот”, “ИИВ хабарлари”, “Менинг ҳуқуқим”, ”Одил судлов” кўрсатувларини мунтазам равишда кузатиб бориш, китоб-журналлар ҳамда ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий вақтли матбуотни мутолаа қилиш учун вақт ажратилади. Ички ижро интизоми қонунийлик асосида амалга оширилади. Бунда эса айниқса ИИО ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилув тизими ходимлари кўз-қулоқ бўлиб туришади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 6-моддасида таъкидланган инсонпарварлик принципига асосан жазони ижро этиш муассасаларида озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган аёлларга қўшимча ҳуқуқлар берилган! Булар жумласига, яъни Жиноят-ижроия кодексининг 130-133-моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган маҳкума аёлларнинг муассаса доирасидан ташқарида яшаши, болаларини жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштириши, уларнинг муассаса доирасидан четга қисқа муддатга кўра чиқиши каби ҳуқуқларни кўрсатиш мумкин[1]. Жиноят-ижроия кодексининг 130-моддасига биноан ҳомиладор ёки уч ёшгача болалари бор маҳкума аёллар жазони ўташ учун болалар уйи мавжуд бўлган жазони ижро этиш муассасасига юборилади[2].

Дарвоқе, жазони ижро этиш муассасаси ҳудуди доирасидан ташқарида яшашга рухсат берилган маҳкума аёллар учун гувоҳнома берилади. Муассаса ҳудудидан ташқарида яшайдиган маҳкума аёллар ўзлари рўйхатда турган туркумдан чиқарилмайди. Уларнинг иш ҳақи ҳисоб-китоб қилиниб, шахсий ҳисобварақларидаги пуллари, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари, нарса-буюмлари ўзларига берилади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 130-133-моддалари. Т.: “Ўзбекистон”. 2021 й.
[2] Ўша кодекснинг 130-моддаси. Т.: “Ўзбекистон”. 2021 й.

*Айни пайтда муассаса ҳудудидан ташқарида яшаш ҳуқуқи Кодекснинг 73-моддаси тўртинчи қисмига кўра, кўрсатилган маҳкумаларга берилмайди.*

**Колония ҳудуди доирасидан ташқарида яшайдиган маҳкумалар:**

- хона типидаги турар-жойларда жойлашадилар ва муассаса маъмуриятининг назорати остида бўладилар;
- эрталабдан кечгача бўлган вақт мобайнида белгиланган йўналишлар доирасида эркин юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар;
- фуқаролар кийимида юришлари, ёнларида пул ва қимматли буюмлар сақлашлари, пулдан чекланмаган ҳолда фойдаланишлари мумкин;
- чекланмаган миқдорда бандерол, посилка ва йўқловлар олиш ҳамда жўнатиш, қисқа муддатли учрашувлар олиш ҳуқуқига эга бўлиб, ишдан бўш вақтда берилади.

**Муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда:**

- жазони ўташ тартиби мунтазам равишда ёки бир марта қўпол тарзда бузилганда;
- ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод қилиш даври тугаганда;
- бола уч ёшга тўлганда бекор қилинади.

Мактабгача ёшдаги болалари бор маҳкумаларга болаларини қариндошлариникига, васийлариникига ёки болалар муассасаларига жойлаштириб келиш учун бориш-келиш вақти (тўрт суткагача) ҳисобга олинмаган ҳолда ўн беш суткагача четга чиқишга рухсат этилиши мумкин (Жиноят-ижроия кодекси 133-м.).

Вояга етмаган ногирон болалари бор аёлларга бир йилда бир марта улар билан учрашиш учун йўлга кетадиган вақтни ҳисобга олмаганда, етти суткагача бўлган муддатга четга чиқишга рухсат берилади.

Маҳкума ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар, вояга етмаганларга, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронларига бериладиган озиқ-овқат оширилган нормаларда белгиланади. Шунингдек, тиббий хулоса асосида уларга қўшимча озиқ-овқат олишга рухсат этилиши мумкин.

Жазони ижро этиш муассасаси ҳудудидан ташқарида яшаётган маҳкума аёллар ва уларнинг уч ёшга тўлмаган болалари ҳамда болалар уйларидаги ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар учун белгиланган нормаларда озиқ-овқат, кийим ва пойабзал билан таъминланади.

Манзил-колонияда яшаётган уч ёшгача боласи бор аёлларнинг пул-маблағлари бўлмаса, улар манзил-колония маъмуриятига боласи учун мўлжалланган озиқ-овқат, кийим ва пойабзал билан таъминлашни сўраб ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан сўнг, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ҳудудидан ташқарида яшаётган маҳкума аёлларни жазони ижро этиш муассасаси корхонасига ёки бошқа корхоналарга ишга жойлаштиради. Бунда жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти маҳкума аёлларнинг фарзандини мактабгача таълим муассасаларига жойлаштиришга ёрдам беради.

**Интизомий бўлинмаларга:**

*– I - гуруҳ ногиронлари;*

*–ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод этилган, шунингдек ёнида эмизикли боласи бор аёллар киритилмайди.*

Маҳкуманинг кўрсатиб ўтилган ҳолатларига кўра, жазони ижро этиш муассасаси доирасидан четга қисқа муддатга чиқиш учун рухсат бериш ҳақидаги аризаси бир сутка давомида кўриб чиқилиши лозим. Яъни, ариза қаноатлантирилганда, муассаса маъмурияти дарҳол бу ҳақда маҳкума ва унинг қариндошларини хабардор қилади. Ёхуд жазони ижро этиш муассаса бошлиғи томонидан маҳкуманинг салбий хулқ-атвори сабабли муассаса доирасидан четга қисқа муддат чиқиш учун рухсат бериш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилмаса, у прокурор ёки судга шикоят қилиши мумкин!

Хулоса қилиб айтганда, жазони ижро этиш муассасаларининг асосий мақсади шахснинг қилмиши учун жазолашдан ташқари, балки уни қайта тарбиялаш ва жамиятга нафи тегишини шакллантиришдан иборатдир. Маълумки, инсонни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, унинг касбий кўникмасини ривожлантириш эса тарбияда муҳим аҳамият касб этади. Яъни, ҳалол меҳнати эвазига оила тебратаётган муниса опаларимиз, сингилларимиз, холаларимиз, қизларимиз кейинчалик жиноят кўчасидан йироқ юришга интилади. Бу ҳақ гап!

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада аёлларни озодликдан маҳрум қилиш ҳолатида жазони ўташнинг айрим асослари ва хусусиятлари назарий ва амалий таҳлил қилинган. Жазони ижро этиш муассасалари ҳудуди доирасидан ташқарида яшаётган маҳкума аёллар уч ёшга тўлмаган болаларининг моддий-маиший таъминоти ҳамда уларнинг қисқа муддатга муассаса доирасидан четга чиқиши бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилган.

*****

В данной статье рассмотрены некоторые теоретические и практические основы и особенности отбывания и лишения свободы женщинами. Излагается в статье материально-бытовое обеспечение осужденных женщин, проживающих за пределами территории исправительных учреждений и их детей в возрасте до трех лет, также покидание учреждение на короткое время и научно обоснованные предложения и рекомендации.

*****

In this article, the theoretical and practical foundations of serving a sentence in the form of deprivation of liberty by women, the features of serving a sentence by certain categories of convicts, the material and household support of female convicts living outside the territory of penal institutions and their children under the age of three, and the short-term institution of female convicts Scientifically based proposals and recommendations are given for deviation from the scope.

**Жанабай АЙТМУРАТОВ,**
**Преподаватель цикла специальных дисциплин Факультета профессиональной подготовки, майор**

# СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ПРАВОНАРУШЕНИЯ С УЧАСТИЕМ ТРАНСПОРТНЫХ СРЕДСТВ

Проведена масштабная организационно-практическая работа в области совершенствования системы безопасности дорожного движения в новом Узбекистане. Статистика показывает, что в 2021 году в нашей стране произошло более 10 000 дорожно-транспортных происшествий, в которых пострадали более 9 000 человек. Погибло около 2,5 тысяч человек. В то же время, несмотря на принимаемые меры, количество ДТП со смертельным исходом остается высоким. Это свидетельствует о необходимости кардинального реформирования системы обеспечения безопасности на автомобильных дорогах. 11 февраля под председательством Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева состоялось видеоселекторное совещание о мерах по обеспечению безопасности людей на дорогах до конца 2021 года, и он подчеркнул, что проделанная работа, связанная с обеспечением безопасности дорожного движения недостаточна.[1] После этой встречи министр внутренних дел, генерал-лейтенант П.Бобожонов коснулся недостатков в обеспечении безопасности дорожного движения в 2021 году, причин дорожно-транспортных происшествий. Например, он сообщил, что современными камерами оборудованы только 145 из 2752 перекрестков в нашей республике, зафиксировано достаточное количество дорожно-транспортных происшествий.

Анализируя причины дорожно-транспортных происшествий в 2021 году, определен ряд мероприятий. В результате реформ в этой сфере введена в действие новая редакция ПДД, которая предусматривает:

- в населенных пунктах разрешается движение транспортных средств со скоростью не более 70 км/ч;

[1] Электронный ресурс: https://dunyo/info/ru/site/inner/prezident_uzbekistana_vopros_ bezapasnosti_dorozhnogo_ dvizheniya_

- ➢ на дорогах, прилегающих к школьным и дошкольным образовательным организациям, на расстоянии до 300 метров – не более 30 км/ч;
- ➢ на территории жилых домов и прилегающих территорий (на земельном участке между жилыми домами) – не более 20 км/ч.
- ➢ при этом максимальную скорость движения транспортных средств в районах с высокой интенсивностью движения и густонаселенных районах Ташкента, Нукуса и в областных центрах могут установить в пределах 60 км/ч.
- ➢ перевозка грузов легковыми автомобилями допускается при высоте груза в багажнике, установленном на их крыше, не более 1 метра (за исключением перевозки велосипедов, усиленных специальными приспособлениями) и длине не более 0,5 метра от габарита автомобиля;
- ➢ грузовые автомобили обязаны двигаться только с правой проезжей части во всех случаях, за некоторыми исключениями, установленными ПДД;
- ➢ запрещается парковка транспортных средств на поворотах и без достижения или прохождения 30 метров до них;
- ➢ на велосипедистах, движущихся по проезжей части без фар в темное время суток и в условиях недостаточной видимости, должна быть одежда со светоотражающими элементами.

В соответствии со Стратегией развития нового Узбекистане системы обеспечения общественной безопасности в стране на 2022-2025 годы, а в целях гарантированной защиты от любых происшествий жизни и здоровья человека на автомобильных дорогах в условиях нового Узбекистана, определены актуальные направлении обеспечения безопасности дорожного движения в стране.

В целях обеспечения безусловного соблюдения правил дорожного движения и предупреждения случаев их повторного нарушения внедряется система начисления штрафных баллов за каждое нарушение правил дорожного движения в течение 12 месяцев, лишение водителя права управления транспортным средством на определенный срок в установленном порядке в случае превышения установленного количества штрафных баллов а также применение к водителям, за определенный период не нарушившим правила дорожного движения, мер

стимулирования путем сокращения штрафных баллов при последующем начислении.

В условиях формирования современной государственной системы обеспечения безопасности дорожного движения, направленной на создание новых и совершенствование существующих механизмов реализации принципов приоритета жизни и здоровья граждан-участников дорожного движения над экономическими результатами хозяйственной деятельности, важной задачей остается теоретическое исследование вопросов безопасности дорожного движения. Одной из современных проблем, имеющих существенное значение, наряду с широким спектром социально-экономических задач, стоящих перед Республикой Узбекистан и научной общественности, является теоретическая разработка, и практическая реализация концептуальных мер по обеспечению в данной сфере.

Значит под административно-правовой ответственностью за правонарушения в сфере дорожного движения следует понимать вид государственного принуждения, особый вид административной ответственности, представленный заявлением уполномоченного государственного органа или должностного лица к лицу, совершившему правонарушение привлекаются к административной ответственности на основании постановления о привлечении к административной ответственности, предусмотренной главой XI Кодекса об административной ответственности Республики Узбекистан в сфере дорожного движения

В таких случаях административных правонарушений в области дорожного движения - институт административной юрисдикции, сочетающий в себе проявления различных сторон жизнедеятельности личности, общества и государства и направленный на определение того, какие нормы административного законодательства были нарушены и признаки состава какого правонарушения они содержат.

Термин «административная ответственность за правонарушения в сфере дорожного движения» сформирован на основании научных подходов в административно-правовой доктрине к понятию «административная ответственность». Административную

ответственность за правонарушения в сфере дорожного движения следует определить, как вид государственного принуждения.[1]

Понятие административной ответственности основано на совокупности общественных отношений, которые возникают в процессе дорожного движения, а если быть точнее, при перемещении на обустроенной и использованной полосе земли – дороге людей и грузов с помощью транспортных средств – специально предназначенных устройств. Участниками таковых отношений могут выступать как пассажиры транспортныхсредств, так и пешеходы и приравненные к ним лица.

Однако для того, чтобы сложить относительно полное представление об административной ответственности в области дорожного движения, необходимо не только дать определение этого понятия, но также охарактеризовать его основные признаки и структуру. Как представляется, признаки административной ответственности в области дорожного движения могут быть сведены к следующему:

- *во-первых*, административная ответственность в области дорожного движения - это механизм, функционирующий на основе административно-материальных и административно-процессуальных норм, первые из которых содержатся в различного рода нормативных правовых актах как законодательного, так и подзаконного уровня;
- *во-вторых*, административная ответственность в области дорожного движения возникает только на основе совершенного соответствующего административного правонарушения - административного правонарушения в области дорожного движения;
- *в-третьих*, административная ответственность в области дорожного движения реализуется в охранительном правоотношении, в рамках которого правонарушитель отвечает перед государством в лице судьи либо органа исполнительной власти (должностного лица), наделенного полномочиями применять соответствующие административные наказания;
- *в-четвертых*, административная ответственность в области дорожного движения характеризуется как самостоятельное

---

[1] Полякова С.В. Административгые правонарушения в области дорожного движения и ответственность за них // Вестник Омской юридической академии. 2017. Том № 14, № 4. С. 85-87.

процессуальное производство - производство по делам об административных правонарушениях, как особый процессуальный порядок, включающий в себя относительно компактные и расположенные в определенном порядке группы соответствующих процессуальных действий.

Указанные признаки позволяют в совокупности сделать следующий шаг к пониманию сущности административной ответственности за правонарушения в области дорожного движения - проанализировать структуру рассматриваемого понятия (анализируемого явления).

Структура юридической ответственности вообще, и административной ответственности в частности, включает в себя ее составные части (элементы), отсутствие хотя бы одного из которых исключает саму эту ответственность в целом. Структура административной ответственности достаточно четко просматривается через призму структуры базового элемента соответствующей отрасли законодательства, а именно - Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности. С этих позиций в структуре административной ответственности традиционно принято выделять следующие элементы: основания административной ответственности; ее субъектов; ее условия; меру административной ответственности (наказание).

При этом если под «условием» административной ответственности понимать наличие виновного (умышленного или неосторожного) действия либо бездействия, а под «основанием» - совокупность нормативных, фактических и процессуальных факторов, способных в совокупности повлечь за собой указанный вид юридической ответственности, где «субъекты» ответственности «поглощаются» категорией «фактическое основание ответственности», каковым является деяние (действие или бездействие) конкретного лица, нарушающего правовые предписания, охраняемые административными санкциями (наличие административного правонарушения со всеми его признаками и элементами состава), то тогда структуру Административной ответственности можно представить уже в более узком виде, а именно: основания Административной ответственности, меры и процедуры (механизм), также реализации – (производства).

Формально-логический анализ норм главы XI Кодекса об административной ответственности Республики Узбекистан «Административная ответственность за правонарушения на транспорте, в области дорожного хозяйства и связи» свидетельствует о том, что далеко не все нормы главы XI Кодекса об административной ответственности Республики Узбекистанустанавливают административную ответственность за деяния, посягающие именно на «*транспорте*» как объект противоправного посягательства. В этой связи, исходя из так называемого принципа «чистоты правовых категорий», представляется целесообразным либо переименовать название главы XI Кодекса об административной ответственности Республики Узбекистан, обозначив ее как «Административные правонарушения в области безопасности дорожного движения» или дополнить отдельной главой.

Становление правовой регламентации общественных отношений в области дорожного движения в одной стране, безусловно, отличается от аналогичного параметра другой страны. Однако проведенный анализ свидетельствует, что в современных условиях вследствие усиленной международной стандартизации автомобильного подвижного состава, средств регулирования дорожного движения и высоких темпов развития межгосударственного автомобильного сообщения, данному процессу свойственна все более увеличивающаяся унификация средств обеспечения безопасности дорожного движения, в том числе и унификация законодательства об административной ответственности в этой сфере.

Несмотря на огромную роль научных определений в правоведении и в практической жизни, только законодательно закрепленное определение того или иного понятия (емкое, краткое и в то же время всеобъемлющее) может придать ему высшую качественную ценность в аспекте его эффективного восприятия людьми и отражения в их правосознании. В этой связи главу II Кодекса на наш взгляд, следует, на наш взгляд, дополнить статьей следующей редакции: «Статья 10. Административная ответственность *Административная ответственность - это вид государственного принуждения, реализуемого в предусмотренной настоящим Кодексом процессуальной форме и отражающего такое правовое состояние лица, при котором оно претерпевает неблагоприятные последствия морального, личного, имущественного или*

*организационного характера в результате государственного осуждения совершенного им административного правонарушения*».

Подобного рода статья вполне логична и уместна именно в структуре главы II Кодекса об административной ответственности Республики Узбекистанпосле статей 10 «**Административное правонарушение**».

По оценке ряда специалистов в настоящее время в Республике Узбекистан действуют более 100 законов и подзаконных актов, имеющих отношение к обеспечению безопасности дорожного движения. Данные нормативно-правовые акты требует, что каждый участник дорожного движения или должностное лицо, связанное с обеспечением безопасности дорожного движения, всегда поступал в полном соответствии с совокупностью всех установленных в этой области норм и правил. В этой связи как у работников дорожно-патрульной службы, так и у водителей, равно как и у лиц, оказывающих им юридическую помощь в качестве защитников в производстве по делам об административных правонарушениях, и лиц, рассматривающих такие дела, нередко отсутствует единообразное понимание многих правовых норм, регламентирующих правоотношения в сфере дорожного движения. Представляется, что подобного рода ситуацию нужно кардинально менять именно в сторону унификации законодательства.

В заключение можно отметить, что основной целью института административной ответственности в области дорожного движения (как на правоустановительном, так и на правоприменительном уровнях) должно быть предупреждение нарушения установленных требований участниками дорожного движения путем формирования, наряду с другими средствами правового регулирования, установки на правомерное поведение (позитивной ответственности) с помощью такого средства, как наказание правонарушителей.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг транспорт соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш механизмлари таҳлил қилинган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётида юзага келадиган айрим муаммолар аниқланди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси кодексининг таҳририни такомиллаштириш бўйича баъзи таклифлар берилган.

*****

В статье проанализированы механизмы совершенствования законодательных актов Республики Узбекистан в сфере дорожного движения. Обозначены некоторые проблемы возникающие в правоприменительной практике. Даны некоторые предложения по совершенствованию редакции норм кодекса Республики Узбекистан об Административной ответственности.

*****

In the article, the author analyzes the mechanisms for improving the legislative acts of the Republic of Uzbekistan in the field of road traffic. The problems arising in law enforcement practice are outlined. The author's proposals for improving the wording of the norms of the Code of the Republic of Uzbekistan on Administrative responsibility are given.

## *Илмий ахборот*

**Бахром БОЙМУРОДОВ**
**Махсус касбий тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси, подполковник**

# ГЕОСИЁСИЙ КУРАШЛАР ШАРОИТИДА “*БОШҚАРИЛАДИГАН ХАОС*” КОНЦЕПЦИЯСИ СТРАТЕГИЯСИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Геосиёсий курашлар шароити ҳамда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун **“Эркинлик ва демократияни олға суриш”** ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти, мақсадларини ўз вақтида сезиш ва англаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки айрим етакчи мамлакатлар томонидан олиб борилаётган ушбу сиёсат натижасида дунёнинг турли нуқталарида **“рангли инқилоб”**лар амалга оширилмоқда ва бу ривожланаётган мамлакатларнинг миллий хавфсизлигига жиддий таҳдид туғдирмоқда.

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб Ғарб олимлари ноҳарбий кучлар ёрдамида ҳокимиятни эгаллаш бўйича бир нечта назария ва концепциялар ишлаб чиқишди. Шулардан бири Стивен Маннинг “*Бошқариладиган хаос*” концепциясини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ҳозирги кунда бу концепция айрим етакчи давлатлар ташқи сиёсатида муҳим аҳамият касб этаётганлиги сабабли, уларни ўрганиш кенг илмий доираларни қизиқтириб келмоқда. 1984 йилда АҚШнинг Нью-Мексико штатида хаос назариясига ихтисослаштирилган Санта-Фе фанлараро тадқиқот институти очилган. 1992 йилда ушбу институтда конференция ўтказилиб, унда стратег, геосиёсатчи ва дипломат Стивен Манн **“Хаос назарияси ва стратегик фикр”** номли маърузаси билан чиқиш қилган. Ушбу маъруза том маънода, хаос назариясининг дунёда ҳукмронликни қўлга киритиш ҳақидаги геосиёсий концепция билан бирлаштирган янги геосиёсий концепция эди.

С. Маннинг маърузасини қисқача таҳлил қиладиган бўлсак, у ўз ғоясида Ньютон концепциясидан (ҳамма ҳодиса бир-бирига боғланган ва бир-бирига боғлиқ равишда ҳаракат қиладиган механистик назария) четга чиқиб, янги “**хаос назарияси**” ҳамда “**табиий кескинлик**” каби тушунчаларга мурожаат қилиб, *тизим ва барқарорлик ҳамда тартибсизлик ва тартибсиз жараёнлар ичида жойлашган*, деган фикрларни билдирган.

Унинг фикрига кўра: "*ҳозирги Ғарб онги ньютонча дунёқараш, яъни барча ҳодисаларни тушунтиришда унинг механистик назариясидан фойдаланиб, ҳамма назариялар шу назарияга боғланиб қолмоқда*".[1] Айни пайтда сиёсат, ҳатто ҳарбий стратегия ньютонча дунёқарашга мослаштирилганлиги, бошқача стратегик фикрлашни тўсиб қўяётганлиги ҳамда ҳозирги замон талабларига кўра, жиҳат ҳам ушбу қолипдан чиқиш лозимлигини таъкидлайди. Стратегик фикрлашда одатий усуллардан четга чиқиб, янгича назариялар ва парадигмалар асосида фикр юритиш, янги имкониятларнинг пайдо бўлишига олиб келиши керак, деган ғояни илгари суради[2]. У шундай назариялардан бири – **"хаос назарияси"**, деб ҳисоблайди. У хаос назариясига математика ва физика фанлари ўртасидаги ҳолат сифатида қарайди ҳамда хаоснинг қуйидаги асосий принципларини санаб ўтади:

-*хаос назарияси ҳаракатланувчи тизимга хос бўлиб, тизим жуда кўп ҳаракатланувчи компонентларга эга бўлади;*

-*ушбу тизим ичида нодаврий тартиб мавжуд, ташқи кўринишидан тартибсиз жамланма, бир марталик модел кўринишида тартиблашишга мойил;*

-*шунга ўхшаш тартибсиз тизимлар дастлабки шароитларга боғлиқлигини кўрсатади;*

-*киришда шароитнинг бир оз ўзгартирилиши ҳам чиқишда дивергент диспропорцияларга олиб келади*[3].

С. Маннинг фикрича, хаос парадигмаси классик парадигмаларга қарама-қарши эмас. Ҳақиқатда хаос назарияси классик физика ва математикадан келиб чиққан, лекин улардан устун назария сифатида қаралади. Классик ёндашув алоҳида объектларнинг тартибли ҳаракатларини тавсифлаб берса, хаос назарияси ўзаро муносабатга кўп киришувчи объектларнинг статистик тенденцияларини тавсифлайди[4], деб ҳисоблайди у.

У хаос назариясини геосиёсатда қўллашни ёқлаб чиқади ва бу янги геосиёсий ўзгаришларга туртки бўлишини таъкидлайди. Унинг фикрича, "хаос назарияси" миллий стратегия соҳасида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги кунда халқаро муносабатларни ҳам тартибсиз ҳаракатланувчи тизимга қиёслайди. Дунё тартибсиз бўлишга маҳкум, бу эса

---

[1] Стивен Манн. «Теория хаоса и стратегическая мысль» — Steven R. Mann «Chaos theory and strategic thought» (1992). http://www.dtic.mil/cgi-bin.

[2] Ўша жойда.

[3] Ўша жойда.

[4] Ўша жойда.

ҳаракатчан тизимдаги акторлар*нинг турфа хиллиги, яъни турли мақсад ва қадриятларга эгалиги билан боғлиқдир[1]. Бундан ташқари С. Манн халқаро муҳитда "табиий кескинлик"нинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, сиёсий жараёнлар бошидаги кичик оғиш, маълум вақтдан сўнг жуда катта салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини айтади[2].

Дарвоқе, С. Манн: *муваффақиятли халқаро сиёсатнинг калити – кескин вазиятни аниқлаб олиш ва ундан унумли фойдаланишда,* деб қарайди. У айрим ҳолатларда ушбу кескин вазиятдан қочиш керак, айрим ҳолатларда эса сиёсий қайта қуришни амалга ошириш мақсадида уни қўллаб-қувватлаш лозим, дейди. Кескин вазиятни келтириб чиқаришнинг бир нечта имкониятлари ҳақида гапириб, уларнинг ичида мақсадга эришишда энг қулайи индивидуал акторларнинг конфликтли энергияси эканлигини қайд қилади.

Унинг фикрига кўра, конфликтли энергия инсон табиатида глобал тизимнинг асосий бўғинига айланганидан буён мавжуд. Конфликтли энергия индивидуал акторнинг мақсади ва ҳис-туйғулари ҳамда қадриятларини акс эттиради. Умуман, ғоявий таъминлаш ҳар биримизда дастурлаштирилган[3]. Ахборот соҳаси мутахассисларининг таъкидлашича, дастурни ўзгартиришнинг агрессив усули "вирус" билан боғлиқ. Демак, ғоя дастурланган инсон учун "вирус" ҳисобланади[4]. Ушбу "вирус"ни тарқатадиган асосий восита – бу ОАВлар десак муболаға бўлмайди.

Таниқли сиёсатшунос Зб.Бжезинский: "*Технотрон жамиятда тарқоқликни қўллаб-қувватловчи, жозибадорликка тез берилувчан шундай қатлам пайдо бўлмоқдаки, янги технологиялар ёрдамида уларнинг ҳис-туйғулари ва онгини осонгина бошқариш имконияти пайдо бўлмоқда*",[5] деган фикрни билдирган. Демак, С. Маннинг фикрича, АҚШнинг дунёда кучли таъсир доирасига эгалиги, айниқса коммуникация соҳасидаги кенг ва кучайиб бораётган имкониятлари сабабли "вирус" ўз-ўзидан, хаотик тартибда дунё бўйлаб тарқалади. Шунинг учун америкаликлардан фарқ

---

* акторлар – актлар, ишлар, далолатлар.

[1] Стивен Манн. "Теория хаоса и стратегическая мысль" – Steven R. Mann «Chaos theory and strategic thought» (1992). http://www.dtic.mil/cgi-bin.

[2] Ўша жойда.

[3] Ўша жойда.

[4] Ўша жойда.

[5] Brzezinski Z. Between Two Ages: Americas Role in the Technetronic Era.- NewYork: TheVikingPress, 1970. – P. 159.

қилувчи халқларнинг онги ва маданияти учун курашни кучайтириш америкаликларнинг миллий хавфсизлиги юқори даражада кафолатланишини таъминлайди, деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича: бу узоқ давом этадиган (абсолют доимийликка эга бўлишнинг имкони йўқ) ва глобал фойдали янги дунёвий тартибот қуришнинг ягони йўлидир. Агар инсоният бутун дунёда бундай ғоявий ўзгаришга юз тутмаса, фожеавий қайта қурилишлар орасида қисқа давом этадиган тинчликка эга бўлади.[1]

У конфликт йўли орқали, яъни, “*ҳақиқатда, биз буни англаймизми, йўқми, айни пайтда хаосни кучайтирмоқдамиз, буни демократия, бозор ислоҳотлари, хусусий сектор орқали оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаётганимизда кузатиш мумкин*”[2].

Геосиёсий курашнинг янги босқичи бошланди, десак муболаға бўлмайди. Чунки, ҳозирги пайтда мамлакатдаги ҳар бир шахс онгини эгаллаш учун кучли ғоявий кураш олиб борилмоқда. Ушбу геосиёсий курашлар шароитида юртимизда инсон қадри ва омилига, хусусан таълимга жиддий эътибор қаратилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ишлаб чиқилган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси Дастури фуқароларнинг сифатли таълим ва тарбиясига жиддий эътибор қаратиш устувор вазифа эканлиги ҳозирги чақириқларга, жиҳатларга жавоб сифатида қаралади.

Умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, “Бошқариладиган хаос” концепциясининг асосий мақсади гегемон давлатларнинг дунёда устунлигини таъминлаш учун асосан ноҳарбий кучлардан фаол фойдаланган ҳолда давлат ёки минтақанинг заиф бўғинига таъсир кўрсатиш (агар заиф бўғин бўлмаса, уни “ҳосил қилиш”) орқали сиёсий беқарорликни келтириб чиқариш, ўзига қулай бўлган сиёсий, ижтимоий ҳамда маданий муҳитни яратиш орқали ушбу ҳудудда ўз қаътий назоратини ўрнатишни таъминлашга қаратилган геосиёсий стратегиядир.

Ушбу концепция нафақат АҚШ, балки бошқа давлатларда ўзининг таъсирини ўрнатишга интилаётган, ўзини ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан кучли ҳисобловчи давлатлар томонидан ҳам қўлланилиши мумкинми?! Янги Ўзбекистон аҳли ҳар қандай чақириқлар ва жиҳатларга нисбатан доимо ҳушёр ва огоҳ ҳолатда тайёр турмоғимиз лозим.

---

[1] Стивен Манн «Теория хаоса и стратегическая мысль» — Steven R. Mann «Chaos theory and strategic thought» (1992). http://www.dtic.mil/cgi-bin.

[2] Ўша жойда.

**РЕЗЮМЕ**

*Мақолада "Бошқариладиган хаос" назарияси асосида Ғарбда ишлаб чиқилган концепциянинг мазмуни ва моҳияти ёритилган. Унда концепциянинг замонавий геосиёсатдаги аҳамияти, ҳозирги геостратегик курашлар шароитидаги мақсади ва вазифалари очиб берилган.*

******

*В статье раскрывается содержание и сущность концепции «Управляемого хаоса», разработанной западными учеными на основе этой концепции, также значение в современной геополитике, ее цель и задачи в контексте сегодняшней геостратегической борьбы.*

*****

*This article describes the content and essence of the concept of "Controlled Chaos" developed by Western scientists based on the theory of "controlled chaos". It reveals the importance of the concept in modern geopolitics, its purpose and tasks in the context of current geostrategic struggles.*

**Мехмонали СУВАНКУЛОВ,**
**Начальник кафедры юридических дисциплин, доцент, полковник,**

**Бобир РАХМОНБЕРДИЕВ,**
**сотрудник МВД Республики Узбекистан, слушатель факультета подготовки иностранных специалистов Московского университета МВД России имени В.Я.Кикотя**

## ИНФОРМАЦИОННАЯ УГРОЗА – СОЦИАЛЬНАЯ ИНЖЕНЕРИЯ

*Социальная инженерия* – это информационная безопасность: – психологическое манипулирование людьми с целью совершения определенных действий, также конфиденциальной информации. Следует отличать от понятия социальной инженерии в социальных науках – которое не касается разглашения конфиденциальной информации. Совокупность уловок с целью сбора информации, подделки или несанкционированного доступа от традиционного «*мошенничества*» отличается тем, что часто является одним из многих шагов в более сложной схеме мошенничества[1]. Также может быть определено как «*любое действие, побуждающее человека к действию, которое может или не может быть в его интересах*»[2].

*Социальная инженерия* – имеет особенность в том, что уязвимостью является не техническая часть, а человеческий фактор и чувства. Человеку свойственно поддаваться под влияние собственных эмоций, *одна часть человека* – чувства: лояльность к чужим слабостям сопереживание, наивность, доверчивость, страх. *С иной стороны* – профессиональные качества: *недостаток знаний, неумение применять их на практике, игнорирование инструкций и должностных обязанностей. По этим причинам социальную инженерию можно понимать, как «взломом» человека. Конечно же после каждой кибератаки имеются и последствия как для самооценки жертвы, так и для «кармана»*.

Каждый год киберпреступники наносят ущерб на десятки миллиардов долларов США одной лишь уязвимостью в лице человека. С точки зрения

---

[1] *Ross J. Anderson.* Security Engineering: A Guide to Building Dependable Distributed Systems. – John Wiley & Sons, 2008-04-14. – 1080 с. – ISBN 978-0-470-06852-6.
[2] Social Engineering Defined (англ.). *Security Through Education*. Дата обращения: 21 августа 2020. Архивировано 3 октября 2018 года.

исторических фактов, то первое нашумевшее дело с использованием атаки social engineering было дело Кевина Митника. У такого персонажа были подражатели и последователи такие как: Братья Бадир – хакер по имени Архангел, Питер Фостер. Наблюдались случаи, когда не приходилось ничего взламывать, стоило лишь попросить как например, в 2015 году в компании The Ubiquiti Networks произошла колоссальная ошибка, сотрудники финансового отдела нарушили правила безопасности, мошенники прислали письмо на электронную почту от лица топ-менеджера компании с указаниями, о переводе 40.000.000.000 долларов США на указанный банковский счет.

*Информационная угроза (social engineering)* - подразумевает под собой ряд нескольких сценариев, проработанных годами злоумышленниками:

1. *Fishing (фишинг - ловля на живца, затрагивается чувство невнимательность);*
2. *Trojan (троян - затрагивается чувство жадность);*
3. *Quid pro quo (кви про кво - затрагивается чувство доверчивость);*
4. *Pretexting (претекстинг - затрагивается чувство доверчивость);*
5. *Обратная социальная инженерия (затрагивается чувство невнимательность).*

Значит, как социальная инженерия не просто дать отпор, причиной этому является то, что уязвимость не со стороны техники, а со стороны человека, слабину дают человеческие чувства, такие как: любопытство, уважение к властям, желание помочь другу. Все же есть способы противодействовать и обнаруживать такие атаки.

Следующий способ - это подвергнуть сомнению того лица, который к вам обратился. Попросите более подробную информацию о вас, сотрудники банка или техподдержки в момент связи с вами имеют ваши данные перед глазами, а задают вам вопросы для подтверждения их, если точнее ваши данные уточняют, когда вы обращаетесь, но никак не они. Не спешите отвечать, попросите время на принятие решения, так вы у вас будет время понять реален ли звонок или сообщение, злоумышленники создают иллюзия спешки, «*необходимо ответить прямо сейчас*» и т.д. Не спешите сообщать данные по телефону или переходить по ссылке. Лучше перезвоните по официальному номеру или перейдите на официальный сайт.

Используйте другой способ связи, чтобы проверить благонадежность данного источника. Например, если друг в электронном письме просит перечислить ему деньги, напишите или позвоните ему по телефону, чтобы убедиться, что письмо действительно от него. Каждый клиент в праве потребовать данные, удостоверяющие личность. Социальному инженеру проще всего проникнуть в охраняемое здание, неся в руках коробку или кипу папок. Кто-нибудь обязательно придержит для него дверь. Не попадайтесь на эту удочку: всегда требуйте удостоверение личности. То же правило действует и в других ситуациях. Если у вас запрашивают информацию – уточните имя и номер звонящего или его непосредственного руководителя. Затем просто проверьте эту информацию в интернете или справочнике, прежде чем сообщать какие-либо персональные данные. Если вы не знаете человека, который запрашивает информацию, и все еще сомневаетесь – скажите, что уточните у кого-нибудь и потом перезвоните.[1]

Использование надежного спам-фильтра поможет вам понять подозрительное письмо пришло на ваш электронный адрес или нет. В случае, если почтовый клиент недостаточно скрупулезно фильтрует спам или не помечает письма как подозрительные, можно изменить настройки на более надежные. Для обнаружения фальшивки надежные спам-фильтры используют набор разной информации для распознавания нежелательных писем. Фильтр поможет выявлять подозрительные файлы или ссылки, перенаправлять в черный список ненадежные IP-адреса или сомнительных отправителей и анализировать содержимое писем. Обратите внимание на то, что может быть ли то, что вам говорят реальностью. Большинство социальных инженеров думают о том, что вы не станете обдумывать сказанное ими, а «клюнете» на их уловку, например:

**А**. Как бы ваш близкий человек попал в беду, стал бы он вас просить о чем-либо по электронной почте или смс, часто злоумышленник не подозревает о судьбе обращаемого, то есть тот самый друг от лица, которого обратился мошенник может находиться рядом с вами. Так они сами себя могут выдать.

**Б**. Еще один пример, какова вероятность того, что ваш дальний родственник живший в Чехословакии оставил вам большое наследство

[1] https://www.kaspersky.ru/resource-center/threats/how-to-avoid-social-engineering-attacks // интернет ресурс (дата общения 06.06.2022г).

несколько миллионов долларов, если бы он вправду был бы то, вы были бы в курсе.

**В**. Стал бы банк по телефону узнавать данные вашего счета? Кстати, многие банки фиксируют все звонки клиентам и всю переписку с ними. Так что, если вы не уверены– перепроверьте.

В большинстве случаев мошенник не станет рисковать, осознав, что эффект неожиданности пропал. Защита своих устройств одна из наиболее эффективных способов от кибератак всех типов. Фундаментом социальной инженерии является еще и сбор информации о вас, закройте профиль в социальных сетях от посторонних глаз, скройте информацию о вас и т.д.

Своевременное *обновление защиты от вирусов и вредоносного ПО, таким образом* предотвратить установку вредоносных программ по ссылкам в фишинговых письмах будет сложнее. Устанавливайте приложения только с официальных сайтов с проверкой антивирусом. Прежде чем запустить свой *смартфон с root-правами, а сеть или компьютер – в режиме администратора убедитесь, что устройства в безопасности*. В случае если злоумышленник получит пароль к вашей учетной записи пользователя, он не сможет изменить конфигурацию системы или что-либо на нее установить[1]. Избегайте *одних и тех же паролей для разных учетных записей.* Если злоумышленник, завладев одним паролем, получит доступ, чтобы войти во все ваши учетные записи. Использование *двухфакторной аутентификации поможет вам сохранить самые важные учетных записи*, чтобы их нельзя было взломать с помощью одного лишь пароля.

Использование генератора пароля для полной безопасности. Не исключается использовать распознавание лица, дополнительное устройство безопасности, отпечаток пальца или SMS для подтверждение. Стоит задуматься о своем цифровом следе, который оставляете на просторах Интернета. Помимо всего этого, таким образом злоумышленник втирается в доверия находя общую тему для разговора исходя из ваших интересов и т.д. Следует фильтровать информацию, сообщающую о вас более чем нужно, во вкладках «*о себе*», не надо паранойить или бояться, необходимо быть просто бдительнее!?

[1] https://www.kaspersky.ru/resource-center/threats/how-to-avoid-social-engineering-attacks.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ахборот хавфсизлиги таҳдидларига кўра, ижтимоий инженерия хусусида илмий мушоҳада юритилади. Ижтимоий инженериянинг мазмун ва моҳияти ҳамда инсонларнинг ахборот хавфсизлигига салбий таъсири, шунингдек керакли маълумотларни олиш учун манипуляция қилиш турлари ва жиноят қурбонлари бўлиш ҳолатлари амалий мисоллар асосида ёритилган. Мазкур жиноятларни профилактика қилиш чоралари бўйича аниқ амалий ва илмий асосланган таклифлар берилган.

*****

В статье научно анализируется социальная инженерия, которая является из угроз информационной безопасности. Раскрываются содержание и сущность социальной инженерии и ее негативное влияние на информационную безопасность, а также виды манипулирования людьми для получения необходимых информации, когда они становятся жертвами преступлений в результате социальной инженерии. Даны конкретные практические и научно обоснованные предложения по предупреждению этих преступлений.

*****

The article scientifically analyzes social engineering, which is one of the threats to information security, reveals the content and essence of social engineering and its negative impact on the information security of people, as well as the types of manipulation of people to obtain the necessary information, based on practical examples, highlights cases when people become victims of crimes as a result of social engineering, as well as specific practical and scientifically based proposals for the prevention of these crimes.

***•Мозийдан садо***

# АЛЛОМА НИЗОМУЛМУЛКНИНГ “СИЁСАТНОМА” ЁКИ “СИЯР УЛ-МУЛУК” АСАРИДАН БАЪЗИ ПАНДНОМАЛАР

## Масал

*Луқмони Ҳаким айтадики, одам учун дунёда билимдан яхшироқ ёр йўқ ва билим хазинадан ҳам яхшироқдир. Чунки, сен хазинани эҳтиёт қилишинг керак. Билим эса сени қутқаради ва муҳофаза қилади.*

*****

## Жосуслар ва мулку раият* тинчлиги ва уларнинг иш тадбирлари ҳақида

Жосусларни теварак-атрофга савдогар, сайёҳ, сўфий ва дори сотувчиси қилиб юбориш керак, токи улар барча эшитганларидан хабар бериб турсинлар. Бирор воқеанинг хабари эшитилмай қолиши мумкин эмас. Ҳар бир ҳодиса ҳақида ўз вақтида хабар берилиб, тадбири тезда кўрилиши шарт. Муайян ҳолатларда волийлар ва муқаттеълар, хизматчи-ю умаролар исён ва муҳолифатга азму қарор қиладилар ва подшоҳ эса бундан хабарсиз қолади. Агар жосуслар тезлик билан бу ҳақда хабар берсалар, подшоҳ уларга қаршилик кўрсатиб, ниятларини йўққа чиқаради. (**“Сиёсатнома” ёки “Сияр ул-мулук”дан олинди. Т., “Адолат”. 1997 йил. 80-бет).**

*****

## Подшоҳларнинг донолар ва қариялар билан кенгаш қилишлари ҳақида

Барча ишларни маслаҳат билан амалга ошириш кишининг мустаҳкам иродасидан, оқиллиги ва дунёқарашидан далолат беради. Ҳар бир киши маълум бир нарса ҳақида кўпроқ ё камроқ билади. Бир кишининг назарий билими бўлади-ю, аммо тажрибада уни қўлламаган, бошқа кишининг эса тажрибаси илми ва билимига ўтган бўлади. Масалан, бир киши бирор дард ёки иллат давосини китобда ўқиган-у, фақат дори-дармонлар номини билади,

* Раият – халқ.

холос. Бошқа бир киши ҳам шу дориларни билади ҳамда табобатда қўллайди. Бу кишининг билимини биринчи киши билан қиёслаб бўлмас. Ё шундай бўладики, бир киши кўп сафарларда юриб, дунё кезади, мусофирликнинг ширин-аччиғини тотиб кўриб, турли хил оғир шароитлар чорасини билади. Бундай одамни сафар қилмаган, олам кўрмаган, ишнинг йўл-йўриғини билмайдиган киши билан тенглаштириб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб: "*Ҳар бир ишнинг тадбирини донолар-у қариялар ва дунё кўрган кишилар билан ҳал қилиш керак*", деб айтганлар.

Ва яна бир киши фаҳм-фаросати жиҳатидан ўткир тадбиркор, бошқа бири эса калтафаҳм бўлиши мумкин. Донолар айтганларки: "*Бир кишининг тадбири бир кишичалик кучга эга, ўн кишининг қилган тадбири ўнта мард кучига тенгдир ва қанча кўп бўлса, шунча яхшидир*". Бир кишининг кучи икки кишининг кучидан кам, ўн киши иложини топган иш ҳам уч киши тадбиридан кучли бўлар. **(Ўша китоб. 97-98-бетлар).**

*****

**Лашкар, хизматчилар ва яқин кишиларнинг ҳожат ва илтимослари ҳақида**

Уларнинг ҳар қандай илтимос ва ҳожатлари лашкарбоши ва раҳбарлар тилидан баён этилиши мақсадга мувофиқдир. Ана шунда бу бошлиқларнинг ҳурмати ҳам ўз жойида бўлади. Агар ҳар бир тобе киши ўз истаги, хоҳишини ўзи баён қилса, бошлиқнинг ҳурмат ва обрўси қолмайди. Лашкар ичидаги аскар лашкарбошини менсимай, ҳурмат қилмай, ҳаддидан ошиб кетса, унга жазо бериш лозим. Катта ва кичик унвонларнинг фарқи ва ўлчови ҳам шундадир. **(Ўша китоб. 124-бет).**

*****

**Посбонлар, навбатчилар ва қоравуллар ишларининг тартиби ҳақида**

Посбонлар, навбатчилар ва эшик олдида турган хос соқчилардан эҳтиёт бўлиш лозим. Кимки буларга иши тушса, уларни таниб олиши керак. Чунки булар кучсиз, таъмагир ва тиллага тез сотилувчан бўладилар. Бегона кишини кўрсалар, текшириб ҳол сўрайдилар. Ҳар кеча навбат билан хизматга келишда

уйғоқ бўлишлари, кеча-ю кундуз ғофил бўлмасликлари зарурдир, чунки бу иш жуда нозик ва улуғ бўлиб, эҳтиёткорлик шарт. (**Ўша китоб. 126-бет).**

*****

**Подшоҳлик ишларида шошилмаслик ҳақида**

Бирор иш ё тадбир қилишда шошилмаслик керак. Шоҳ бирор хабар эшитса ё бировдан шубҳаланса, секин буюриб, ҳақиқатни билиб, ёлғонни ростдан ажратиб олади. Шошилиш қодирларнинг эмас, заифларнинг иши.

Агарда бир-бирига душман бўлган икки киши шоҳ олдига келиб, ўзаро шикоят қилсалар, шоҳ кимнинг томонида бўлаётганини билдирмаслиги лозим. Чунки ҳақ бўлган киши хавфсираб сўз айта олмаслиги мумкин. Ёлғончи эса ўткирлашиб, ёлғонни кўпайтиради.

Ҳақ таоло Фурқон (Қуръон)да шундай деган: “*агарда бировбир нарса айтса, ҳақиқатни маълум қилмагунча ҳеч нима дейиш керак эмас. Ё муслимин! Агарда биров ёлғон хабарни сизга етказса, сизлар аввал билиб олинглар*”.

Ишларда шошилмаслик керак, негаки кейинчалик пушаймон қилишнинг маъноси йўқ. **(Ўша китоб. 131-132-бетлар).**

*****

**Подшоҳларнинг халққа қиладиган садақалари ва ҳар ишда тартиб-қоида бўлиши ҳақида**

Ҳар замонда ёмон ҳодисалардан ё мамлакатга ёмон кўз текканидан давлатлар ўзгариб, тожу тахт бир сулоладан бошқасига ўтиб, фитна ва қўзғолонлар, тинчсизлик бўлиб, ҳар хил уруш ва қирғинлар юз беради. Шундай оғир ва фитнали даврда солиҳ кишилар четда қолиб, фасодчилар ҳокимиятга эга бўлиб оладилар. Ҳар ким бир амални эгаллаб, хоҳлаган ишини қилади. Аҳли хайрнинг ишлари заиф, аҳли шарнинг ишлари ривож топади. Энг паст одам амирлик мансабини олиб, энг жоҳил киши эса амалдор бўлиб қолади, асл ва фозиллар маҳрумликда қоладилар. Ҳар бир паст киши қўрқмай, ўзига подшоҳлик ва вазирлик номини беради. Биров ўз номига ўн таъриф қўшса ҳам ҳеч ким сўрамайди.

Кимлардир ўзларига хожалар номини, хожалар эса ўзларига амирлик номини оладилар. Ҳар кас олимликка даъво қилиб, подшоҳлик қилмоқчи бўлади. Шариат ишлари заифлашади, лашкардагиларнинг қўли чўзилиб, халқ

бетамиз бўлади. Ҳеч ким буларга чора топа олмайди. Мамлакатда тартиб-қоида йўқолади. Подшоҳ эса жанг ва юришлар билан банд бўлиб, бу ишлар орқасидан тушмайди, иложини қидирмайди, бу ҳақда ўйламайди. **(Ўша китоб. 137-138-бетлар).**

*********

**Бир кишига икки амал бермаслик ва амалларни лойиқ ва покдил кишиларга бериш ҳақида**

Доно подшоҳлар ва ҳушёр вазирлар ҳамма замонларда ҳам бир кишига икки вазифани ва бир амални бирданига икки кишига бермаганлар, шунда уларнинг ишлари ҳамиша тартибу қоидали бўлиб, ривож топган. Агар икки амал бир кишига берилса, бир иш доимо охиригача бажарилмаган ё камчилик билан амалга оширилган бўлади. Сабаби бир киши икки амалга керагича кўнгил бермайди ва текширганда шу амаллардан кўп камчилик топилади, киши маломатда қолади. Лекин икки кишига бир амал берсалар ҳам бири бошқасига ташлайди ва иш бажарилмай қолади. “*Икки хотиндан хона супурилмайди, икки хўжайиндан уй бузилади*”, деганларидек ҳолат юзага келади. **(Ўша китоб. 155-бет).**

*********

**САРКАРДА ШУНДАЙ ДЕГАН:**

Тарихда саркардалик истеъдоди ила шуҳрат қозонган француз императори Напалеон БОНАПАРТ бадиий ижод билан ҳам шуғулланган. Қуйида унинг ҳикматларидан ўқийсиз.

- *Улуғ инсонлар – дунёни ёритиш учун ёнишга маҳкум метеорлардир.*
- *Дўстнинг ёрдам беришга интилиши – душманнинг зиён етказишга интилишидан сустроқдир.*
- *Буюк одам хато қилганда ҳам, бахтсизлик дамларида ҳам ўзини йўқотмайди.*
- *Журъат бўлса ҳамма ишни бошлаш мумкин. Бутун гап бошланган ишни самарали якунлашда.*
- *Хазинаси бор одам бой эмас, хазинасидан фойдалана билган одам – бой.*
- *Табиий бўлмаган бирор нарса мукаммал ҳам бўлолмайди.*

**Карим НОРМАТОВ, т.ф.д., профессор**

# МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ВАТАНПАРВАРЛИК

*Устоз нимаики айтса, шогирд уни жон дили билан эшитиши, чин кўнгил билан қабул қилиши ва олган билим ҳамда малакасини амалда адо этиши керак.*

Хусайн Воиз КОШИФИЙ,
Ўрта асрларнинг буюк алломаси

Ардоқли шоир Азим Суюннинг "*Ўзбек, Ўзбекистон*" деган қасида-шеърида ўзбек халқининг ғурури ва ватанпарварлиги уфуриб турибди:

*Тарих ёзаверсам... осмон эрур паст,*
*Бугун истиқлолни куйлагайман, бас,*
*Ватаним эртасин буюклиги рост,*
*Юртбошидир сарбон, йўлдадир карвон –*
*Ўзбек, Ўзбекистон!*

Йиллар ўтаверади, дунёда ўзбекман деган, тожикман деган туркистонликнинг асл Ватани: Турон замини - Марказий Осиёдир. Дарвоқе, юртимиз – жаҳон тараққиётига ўз бағрини очиб, илм-маърифат ва иймон-эътиқодни ардоқловчи, одам қадр-қиммати ва қадрини эъзозлайдиган ўлка. Мен шунга ишонаман ва Сизни ҳам ишонишга чақираман. Ўзбек халқи ўзлигини намоён қилаяпти. Иймон-эътиқоди, миллий ғурур ва Ватан туйғуси маънавий куч-қувват бўлиб, олға бошламоқда. Ҳазрати Алишер Навоийнинг:

*Эл нетиб топғай мениким,*
*Мен ўзимни топмасам.*

деган пурмаъно фикри ўзбекнинг миллий ғурури, халқпарварлиги, олийжаноб миллат эканлигидан далолат эмасми? Қайси миллат ўзининг иззатини, қадр-қимматини жойига қўя олса, бошқа элатга меҳр-оқибати ортади, у жаҳон ҳамжамиятида улуғ миллат вакилига айланиб, халқаро ҳурмат топишига шак-шубҳа йўқ!

Миллий ғурур ва ватанпарварликни илк марта жаҳон тафаккурига олиб чиққан, ўзбекни миллат сифатида эъзозлаб, мустақиллигимизнинг ҳали бир ойи тўлмаган пайтда, собиқ СССР парчаланиши арафаси – 1991 йил 24 сентябрда Биринчи Президент Ислом Каримов ўзбекларнинг биринчи

Халқаро учрашувини ташкил қилди. Учрашувга жаҳоннинг турли давлатларида истиқомат қилаётган 25 миллионга яқин ўзбек миллати вакиллари – Америка, Афғонистон, Сурия, Саудия Арабистони, Австралия, Туркия, Иордания ва бошқа юртлардан ташриф буюришди.[1]

Миллий ғурур ва ватанпарварлик неча асрлардан буён ўзининг инсонпарварлиги билан муштаракдир. Не инсонлар, не истиқлолчилар ўтмади бугунни қўмсаб! Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Мустафо Чўқай, Аҳмад Заки Валидий, Файзулла Хўжаев ва яна юзлаб, минглаб ўзбек, бошқа миллатлар зиёлилари миллат ҳамда элат софлиги, озодлиги, мустақиллиги учун жон фидо қилдилар, босқинчиларга қарши аёвсиз кураш бошладилар. “*Эй муқаддас Туроним, сендан айрилмоқ менинг учун ўлим... Паноҳим, саждагоҳим, умидим! Ёвлар сени шу кунгами солдилар! Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкилса, зулм чўлининг темир тиконлари кўзимга кирса, яна сени қутқараман*!”. Эвоҳ! Бу қалб нидоси – фақат Фитрат эмас, ўзбек халқининг фарёди, истиқлолчилар шиори эди.

Шу боис ҳам Юртбошимиз қайд қилди: “*Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади*”. [2] XX аср бошларида-чи? Россия Давлат думаси депутати, буюк Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон учун тараққиёт йўли – бу халқлар ва элатлар ҳамкорлиги, эволюцион йўл деб кўрсатиб, большевикларнинг зўравонлик йўлига қарши эканлигини баралла айтган ҳамда миллий ғоя ва ғурурнинг империализм ривожи давридаги ўзига хос мафкура эканлигини ифода қилган эди. Мана сизга далил, узоқни ва порлоқ истиқболни кўра билиш... Бундай ғоя ва ғурурни фақат миллат фахри бўлган ўзбек кишисигина олға олиб чиқади. Бироқ, ўша “коммунистик мафкура” инқилобчилари 1919 йилда минг хил найранг билан маърифатчи Беҳбудийни гўё Амир Олимхон “қўли” билан қатл қилдилар, ўз ўчларини бошқача шаклда олдилар?!

Миллий ғоя ва ғурурнинг тагдор – ватанпарварлик илдизлари миллий-озодлик ҳаракати тарихимизга “босмачилик” ҳаракати деб кирган, аслида халқ қаҳрамонлари бўлган миллат фарзандларининг 1918-1931 йиллардаги

[1] Халқ сўзи. 1991 йил 25 сентябрь.
[2] Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь.

кураши билан чамбарчас боғлиқдир. Миллат миллий ғояси ва ғурури йўл-йўриқ, миллат ва халқнинг истиқболи, келажаги учун маънавий озуқадир. Шу ўринда Фарғона воҳасидаги ислом лашкарлари кўмондони Иброҳимбек шўро Туркистони раҳбарияти билан сулҳ тузишни таклиф қилди, унинг сафдоши Шермуҳаммадбек: "*Шўроларга ишонманглар, улар халқни алдайди*", деган эди.

"*Туркистон мухториятида тинч ҳаёт қарор топиши учун сизнинг фикрингизча, нималар қилиш керак?*" деган саволга Иброҳимбек қатъий ва кескин жавоб берди: "*Биринчидан,* савдога йўл қўйиш, жойдан-жойга кўчиш эркинлиги; *иккинчидан*, мулкни мусодара қилишни таъқиқлаш, шариат асосидаги судни жорий қилиш, *учинчиси,* тинч-тотув яшаш, вақф ерларини эгаларига қайтариб бериш".

Буюк ва улуғ алломаларимиз чуқур тафаккурлари ва ғоялари билан миллий тараққиётга асос солган ал-Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, ал-Бухорий, ат-Термизий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Хўжа Аҳрор Валий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Бобораҳим Машраб, Огаҳий, Бердақ каби боболаримиз олдида таъзим қиламиз. Уларнинг бебаҳо мероси ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қилади, ўзбек халқининг буюк давлатчилик ривожида жаҳон айвонида туриб, ўз иймону руҳлари билан қўллаб-қувватлайдилар. Дарвоқе, янги Ўзбекистон асосчиси Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси тарихида илк маротаба – 75-сессиясида **ўзбек тилида нутқ сўзлаб:** "*Бундан уч йил муқаддам мен Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олий минбаридан[*] Ўзбекистоннинг тубислоҳотларни амалга ошириш бўйича қарори қатъий эканини айтган эдим. Жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларимиз натижасида янги Ўзбекистон шаклланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди*"[1], деган даҳо ғоялари айнан унинг таълимотига айланди.

*Ўзбек халқининг ватанпарварлиги* – ўтмиш бўлмай, бугунги кунда ҳам яққол намоён бўлмоқда: кексалар ва улуғларга ҳурмат, ёшларга меҳр-шафқат, бечора, ғариб мискинларга, етимларга хайр-саховат, ота-онанинг кўнглига қараб иш тутиш, дўстларга, қариндош-уруғларга яхшилик қилиш, бошга ташвиш тушганида ғамхўр, мададкор бўлиш, топганини яхшиликка сарфлаш

[*] 2017 йил назарда тутиляпти.
[1] Халқ сўзи. 2020 йил 24 сентябрь.

ва бошқа жуда кўплаб миллий қадриятларимизда равшан кўринади. Аммо, халқимизнинг мана шу нодир фазилатларини эгаллаш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу миллий меросдан бебаҳра одамлар ҳам борки, улар худбинлиги, бахиллиги, ҳасадгўйлиги, очкўзлиги, ғаразгўйлиги билан ўзбек халқининг обрўйини тўкадилар. Бундай одамларга халқимиз "*яхши одам эмас*", деб дангал пастлигини айтиб қўя қолади? Ватанпарварлик – бу келажак учун кураш, айниқса подшо Россияси босқини, тоталитар тузум даврида кескин давом этган. Яшаш – бу кураш демакдир. Курашиш эса яхшиликка, эзгуликка, инсон орзу қилган орзу-умидларга олиб келади!

Миллий ғоя ва мафкурани ўз онгига сингдирган туйғу инсон учун табиийдир. Чунки ўзбек боласи ота-онасидан мерос қилиб олган ва ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида: меҳр-мурувват, ғурур, инсонпарварлик ва ватанпарварлик ифода қилинади. Ўз халқининг миллий ғоясига, анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва катталарга ҳурмат ва иззатни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон наздида тенглардан тенг ҳамда ўзлигини англаганлардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватан жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас. Шу ўринда таниқли рус файласуфи Николай Бердяевнинг "**Россия тақдири**" асаридаги фикрини келтираман: "*Рус халқи улкан кенгликларга жуда осон эга бўлиб олди, лекин дунёдаги энг катта давлатга бу кенгликларни ташкилий жиҳатдан қовуштириш, унда тартибни сақлаш ва муҳофаза қилиш осон бўлмайди. Бунга рус халқи кучининг катта қисми кетади. Рус давлатининг ҳажми рус халқи олдига чоғи келмайдиган вазифаларни қўйиб, уни беқиёс танг аҳволда тутиб туради. Ўз давлатини тузиш ва муҳофаза қилишдек улкан иш рус халқи куч-қувватини қуритади. Эҳтиёжлари ортиқча эркин кучни жуда оз қолдиради. Рус кишисининг бутун умри меҳнат ва жангу-жадалликда ўтган. Бундан буён янада ҳушёр ва кўп азият чекишга тўғри келади*".

Мен шу ўринда фахр ва ғурур ила муҳтарам Шавкат Миромоновичнинг янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқидан иқтибос келтираман: "*Жонажон Ватанимиз тимсоли ва мустақиллигимиз рамзи бўлган давлат байроғимиз, мадҳиямиз ва гербимизга менга топширилган Президентлик олий нишони ва байроғига юксак ҳурмат бажо келтираман.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланишимни Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида олиб бораётган сиёсатимизнинг юксак эътирофи сифатида қабул қиламан”.*[1]

**Ўрни келганда, Николай Бердяев ғояси ва ҳозирги Россия Федерацияси ҳамда янги Ўзбекистонни қиёслаб кўриш, тегишли хулоса чиқариш зарурати ўз-ўзидан маълум!?**

“*Бизнинг улуғ аждодларимиз,* – деган эди Президент*, – ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тил билан айтганда, **шарқона ахлоқ кодексини** ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли деб биламан*”. Шу гапга кичик бир мисол. Маълумки, иймон-эътиқод инсон маънавиятининг умуртқа поғонаси ҳисобланади. Халқимизда бировни “иймонсиз” деб аташ энг оғир ҳақоратдир. Қуръони Каримда ёзилишича: **Оллоҳ бани башарни ўзига ибодат қилиш учун яратган**. Лекин кўпчилик ислом ибодатлари деганда, *калом, намоз, рўза, закот, ҳаж* амалларини кўз олдига келтиришади. Буюк тасаввуф пири Баҳоуддин Нақшбанд эса Расулуллоҳ (сав)нинг қуйидаги ҳадисини келтиради: “*Ибодат ўн қисмдир, унинг ўндан тўққизи **ҳалол ризқ топиш ҳаракати**, қолган барча ибодатлар ўндан бирини ташкил этади*”. Аҳмад Яссавий ва Абдухолиқ Ғиждувонийларнинг пири муршиди ҳисобланган шайх Юсуф Ҳамадонийнинг “**Ҳаёт мезони**” асарида Пайғамбаримизнинг яна бир ҳадислари келтирилади: “**Мусулмон бўлмагунларингизгача** *жаннатга кирмайсизлар, бир-бирларингизга* **самимий меҳр** *қўймагунларингизгача мусулмон бўлмайсизлар.*” Шу сабабли биз фарзандларимизга **иймон**нинг асосий шарти ҳалоллик, адолат ва инсонга, табиатга меҳр деб уқдиришимиз, нафақат уқдиришимиз, балки шу йўлда ўзимиз ибрат бўлишимиз шарт. “**Поклик – иймондандир**” деган бағрикенг халқимизку, ахир?!

*Инсон ғурури ва ватанпарварлик оламининг юксалиши?* деганда нимани тушуниш керак. “*Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган ғурурли инсон бўлиш, ҳалол ва адолат билан ҳаёт кечириш, Ватанни саждагоҳ каби асраш*” бўлиб, ушбу қоидани тушуниш ҳамда эътироф этишнинг ўзи кифоя эмас, балки айнан шу эътиқодга амал қилиб яшаш, яъни асосий мезонга айлантириш керак! Такрор айтишга тўғри келади: ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада ҳушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур. Президент: “**Янги Ўзбекистон – инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлатдир**”, деган мавзуда Ўзбекистон

[1] Халқ сўзи. 2021 йил 7 ноябрь.

либерал демократик партиясининг X съездидаги нутқида қайд қилди: “*Ички ишлар органларини халққа ва ҳар бир оилага янада яқинлаштириш, бу тизимни чин маънода халқчил тузилмага айлантириш борасида бошланган ислоҳотларимизни изчил давом эттирамиз.*

*Айниқса, бу соҳани маънавий пок, ўз бурчига содиқ, халқпарвар ва масъулиятли ходимлар билан тўлдириб боришга алоҳида эътибор қаратамиз.*

*Бундан буён ички ишлар органлари фаолиятини баҳолашда аҳоли муаммоларини ҳал этиш ва фуқаролик мурожаатлари билан ишлаш натижадорлиги асосий мезон этиб белгиланади.*”[1]

Маълумки, қаерда камчиликлар рўй-рост айтилмас экан, у жойда ижобий ўзгариш бўлмайди. Шунинг учун соҳани ижтимоий фикр асосида холис баҳолаш мақсадида Ички ишлар вазирлигининг барча поғоналарида Жамоатчилик кенгашлари тузилди.

Албатта, барча муаммоларни бир кунда, бир ҳамла билан ечиб бўлмайди. Маънавий баркамол авлод ғурури ва ватанпарварлигини тарбиялаш бир умрлик иш. Аммо ҳар бир ишда ёлғон қадамлардан, осон ечимлар қидиришдан эҳтиёт бўлмоғимиз жуда муҳим. Ҳар бир ишда қийинчиликни бўйнига олган ИИО ходими ҳақиқий ютуққа эришади. Айниқса, биз зиёлилар, ёш авлод тарбиячилари ўз вазифамизга масъулият билан ёндашсак, “*фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш*”дан, шу йўл билан улар онгида “**мафкуравий иммунитет**” ҳосил қилишга уринишдан чарчамасак, миллатимиз улуғ миллат бўлади. Баркамол авлодимиз “*буюк аждодларимизга муносиб куч-қудрат ва қадрият бағишлайди, муносиб мард ва жасур, билимли ва жисмонан бақувват Ватан ҳимоячиларини тарбиялашда ўрнак-намуна тимсолларига содиқ бўладилар*”[2], деган эди Президент Шавкат Мирзиёев.

Тарихдан биламиз, Марказий Осиё халқлари, айниқса зиёлилари азалдан башариятнинг тафаккур хазинаси бўлмиш илм-фан, маданият, ватанпарварлик ва қадриятлар тараққиётига унутилмас ҳисса қўшиб келганлар. Демак, уларнинг бой ва ранг-баранг мероси миллий қадриятларимиз ҳамда замонавий илм-фан ютуқлари билан ижодий равишда юксалиб, келажак авлоднинг тафаккури ва дунёқарашини ғуруримиз ҳамда

[1] XXI аср. 2021 йил 10 сентябрь.
[2] Янги Ўзбекистон. 2022 йил 21 декабрь.

ватанпарварлик қадриятларини юксалтирган ҳолда бунёдкорлик фаолиятини ошириш – янги Ўзбекистон давлатчилиги пойдеворини мустаҳкамлашнинг асосий гаровидир! Ҳар биримизнинг азиз Ватанимизга меҳримиз чексиз. Шу буюк меҳр бизни жонажон юртимизни асраб-авайлашга, ҳамжамият ва аҳил яшашга, яратилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланишга ундаб туради. “*Энг муҳими бугун халқимиз дунёқараши ўзгарган, эзгу мақсадларга эришишга катта ишончи шаклланган. Демак, Тараққиёт стратегиямизда кўзланган мақсадлар ва ундан кейинги қутлуғ марраларни забт этишимизга ҳеч кимда шубҳа йўқ*”[1], таъкидладилар муҳтарам Президент.

Ҳеч бир халқ ўзлигини англаган ҳолда, миллий маданияти ва қадриятларини асраб-авайламасдан туриб, бошқа халқларнинг қадриятларига ҳурмат билан қарай олмайди. Янги Ўзбекистоннинг куч-қудрати халқимизнинг умуминсоний қадриятларига содиқлигидадир. Жамият тараққиётининг муайян босқичларида ижтимоий ҳодисаларга муносабат хилма-хил тарзда намоён бўлади. Хусусан, мустақиллигимизнинг биринчи кунидан бошлаб ҳаётимизнинг барча жабҳаларида “Қадриятлар”, “Миллий тикланиш”, “Миллий онг”, “Миллий ғурур” “Миллий ватанпарварлик” каби атамалар тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас, албатта.

Зотан, 32-йилдирки, ғуруримиз, Ватанимизга бўлган меҳр-оқибат, унинг “**Инсон қадри учун**” тамойилига асосланади. Муҳтарам Шавкат Миромонович бу борада ҳақли равишда таъкидладилар: “*Миллий қадриятларимизда алоҳида ўрин тутадиган авлодлар ўртасидаги анъаналар давомийлигини сақлаш, уруш ва меҳнат фахрийларининг, муҳтарам отахон ва онахонларимизнинг ҳаётини янада мазмунли қилиш нафақат вазифамиз, аввало, инсоний бурчимизга айланмоқда. Шунингдек, биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда азму шижоатли ёшларимизни халқимизнинг чинакам таянчи ва суянчи, деб биламиз*”[2].

Самимийлик – курашиш ва яхшилик ҳамда эзгулик ва орзу-умидларга олиб келади. Шундай ўзбек халқининг самимий ва асл фарзандларидан бири Шароф Рашидов эди. Вазмин, камтарин, ўз халқи учун тинмай курашган, ўзбек ғururини кўкларга кўтариб, халқим, элим деб яшаган бу шахс ҳақида Юртбошимиз шундай дедилар: “*Мақсадимиз бу улуғ зотнинг ўттиз йилдан кўпроқ Ўзбекистонга, халқимизга қилган хизматини улуғлаш, номини*

[1] Янги Ўзбекистон. 2022 йил 27 июль.
[2] Янги Ўзбекистон. 2022 йил 1 сентябрь.

*авлодлар учун тиклашдир*”. Шундай бўлди ҳам. Улар ҳурматини бажо келтирсак, мустақиллигимиз учун, халқимизнинг фаровон яшаши учун замин ҳозирлаган бўламиз. Демак, миллий ғоя ва ғурур ҳамда инсонпарварлик ва ватанпарварлик уйғунлашиб, аслиятимиз, келажагимиз намоён бўлаётир!

*Энди икки оғиз ўзбекчилик ҳақида*. Шуни ҳам айтиш керакки, бундан миллий чекланиш, ўз қобиғида ўралиб қолиш маъноси чиқмайди. Минг йиллардан буён “*ўзбекчилик*” деган олижаноб тушунча борки, баъзи бировлар нотўғри талқин қилиб, ҳатто “*миллатчилик*” деган ғояни илгари сурмоқчи бўладилар? Ёки раҳбарларнинг ердан оёғи узилиши: *худбинлик, лоқайдлик, хасад, кўра олмаслик, манманлик* кабилар. Зеро, ҳар бир миллатнинг ўз ғояси ва мафкураси, ғурури, ифтихори, ўзлиги, менталитети, яъни миллий ҳаёт тарзи бўлмаса, у миллат бўлиб шаклланмайди.

*Маънавият – ҳуқуқий онг ва маданияти гултожи – ватанпарварликдадир*. Шу боис ҳозирги замон ҳуқуқ-тартибот мутахассисига қўйиладиган бош талаб: Ватани ва халқига, Президентига садоқат, фидоийлик билан хизмат қилиш – ўта муҳим вазифалар сирасига киради. Бир сўз билан айтганда ватанпарварликдир. Ватанпарварлик ўз-ўзидан шаклланмайди, у ўзликни, Ватанни, халқни севишни англашдан бошланади. Инсон ўзини ҳурмат қилишга ўрганмасдан, халққа, Ватанга муҳаббат қўймасдан ватанпарвар бўлаолмайди. Ватанпарварлик ўз халқи учун ҳеч иккиланмасдан жон беришга тайёр туришдек руҳий ҳолатдир. (Бундай руҳий ҳолатни ота-онанинг фарзандларига бўлган муносабатида кўриш мумкин). Ватанпарварлик ҳар бир инсондан халқ ва давлат манфаатларини ўз манфаатлари билан уйғунлаштириб боришни талаб этади. Ватанпарварлик – халқ олдидаги масъулият демакдир.

Инсон боласи дунёга ўзи келиб, ўз-ўзидан тарбияланиб, бирон-бир касб эгаси бўла олмайди. Болани ота-она дунёга келтиради, жамият ва давлат унга тарбия ҳамда таълим беради, касб-корга эга бўлади. Демак, ҳар бир мутахассисда ота-она, жамият ва давлатнинг маънавий ҳаққи бор. Ватанпарвар ўз халқининг оғир кунларида у билан бирга бўлади, халқнинг яхши ва ёмон кунларини бирга баҳам кўради. *“Бойлигинг бўлса – Ватанимсан, бўлмаса душманимсан, қабилида иш юритмайди! Ўзга юртларда яшаб, унга таълим-тарбия берган, касб-ҳунар ўргатган халқни “нодемократ”, “инсон ҳуқуқларини бузувчи” деб атамайди, балки ўз билими ва касб-кори билан умргузаронлик қилаётган Ватанини ривожлантиришга*

*ҳаракат қилади. Ўз бойлигини Ватан бойлигидан излайди”.*[1] Атоқли давлат ва жамоат арбоби Индира Ганди таъкидлаган эди.

Миллий ғоя айнан шундай ватанпарварларни тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Янги Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросини ҳақиқий ватанпарварларга айлантириш миллий ғоянинг тарихий миссиясидир. Бундай талаб мутахассисларнинг қоғозда эмас, амалда бўлишини англатади. Ҳеч кимга сир эмаски, мутахассисликни эгаллашнинг ягона йўли – билим олиш, малака ошириш. Билим эса китоб мутолаасини талаб этади. Инсон китоб ўқиш, ўқиш ва ундан ҳаётда малакавий фойдаланиш мантиғини ўрганмас экан, ҳеч қачон улғаймайди, ривожланмайди, мутахассисликни яхши эгаллай олмайди?!

Сир эмаски, айрим ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшлар: “*китобсиз амалиётнинг ўзи билан мутахассисликни эгаллаш мумкин*”, “*китоб – бошқа, ҳаёт бошқа*” каби янгилиш тушунчалар билан фикрлайдилар?! Бу янгилиш фикр касбий мутахассисликни эгаллаш йўлидаги маънавий ва ахлоқий-руҳий ғовдир. Бундай фикр жамиятнинг “номутахассислашуви” (депрофессионализацияси), яъни истеъмолчиларга айланишига олиб келади. Демак, китобга нисбатан нигилистик муносабатни маънавий таҳдид сифатида қараб, унга қарши курашиш зарур!

Инсониятнинг яратувчанлик фаолиятидан маълумки, ҳаётдаги ҳеч бир кашфиёт амалиётнинг ўзида пайдо бўлган эмас. Бола она қорнида шаклланганидек, кашфиётлар илмий лабораториялар ва кенг фарматли илмий-амалий изланишлар ҳамда ақл жавоҳири хулосаларида туғилади. Эрталабдан кечгача киракашлик қилиб юрган таксичи ҳеч қачон янги машинани ихтиро қилган эмас. Аммо машина ҳайдашда кам тажрибага эга бўлган конструктор (*кўп китоб ўқигани, илмий методология асосида илмий-амалий тажрибаларни умумлаштиргани учун*) янги машинани ихтиро қилади. Бу – илмий ҳақиқат. Ушбу ҳақиқатни қанча тез англаб етсак, шунча яхши.

Илмий назарияни амалиётга қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Чунки, илмий назария умумлаштирилган амалиётдир. Халқ ибораси билан айтганда: *“назариясиз амалиёт кўр, амалиётсиз назария - чўлоқдир*”. Гапнинг индаллосини айтганда, ИИВ Малака ошириш институтида илмий назариянинг чуқур ўргатилишини амалга оширган ҳолда, амалиётга урғу берилишини назарияга бўлган эҳтиёжнинг камайиши билан изоҳлаб

[1] Китоб дунёси. 2018 йил 28 март.

бўлмайди. Назарияни чуқур эгаллаган шахс учун синов майдони бўлган амалиёт керак. Билимсиз амалиёт ҳеч қандай наф келтирмайди. Илмий назарияни амалиёт билан қўшалоқ ҳолда олиб борган шахс пухта ва теран фаолият кўрсатади. Демак, яхши мутахассис бўлиш учун биринчи галдаги вазифа билим, яъни унинг манбаи китобхонлик маданиятини эгаллаш ва ошира боришдир. Ҳозирги замон ахборот технологиялари, жумладан Интернет китобхонликка салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим. Ҳақиқат Интернетда эмас, илм-фандадир. Интернетга билим олишни назорат қилиш воситаси сифатида қараш керак.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ғурур ва ватанпарварлик ғояси ИИО учун замонавий кадрларнинг юксак маънавиятли, янги Ўзбекистоннинг кенг қамровли мутахассиси бўлиб етишишларини объектив заруриятга айлантиради.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада инсон камолоти, унинг ғурури ва ватанпарварлиги ниҳоятда муҳим ўрин тутиши ҳамда авлод-аждодларимизнинг теран ғоялари ифода қилинган ҳолда таҳлил қилиб берилган.

*****

В статье делается анализ патриотизм в развитие человеческого достоинства, глубокие идеи предков в воспитательных процессах.

*****

The article analyzes patriotism in the development of human dignity, the deep ideas of ancestors in educational processes

• *Адабиёт гулшани*

## ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ИЖОДИ: ТАФАККУР ХАЗИНАСИ

**Ўзбекистон Қаҳрамони, Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов айтган эди:**

Мен - дурагай, қадим тупдан кўкарган,
Пушкин билан Навоийнинг шонидан.
Мен - тоза қон, соф юракда кўпирган,
Мен - Бердақнинг битта томчи қониман.

*****

**Тожик халқи ғурури ва фахри мавлоно  Абдураҳмон Жомий пандномаларидан:**

Яхшилик билан ном чиқар жаҳонда,
Севиб ёд этсинлар барча замонда.

Бу бўстонда дўстлар этмаса кўмак,
Мушкул эрур мақсад гулини термак.

Булутдай бўлишни англагил ҳавас,
Бирдай баҳраманддир ундан гулу хас.

Устод, муаллимсиз қолса гар замон,
Нодонликдан қора бўларди жаҳон.

Мансаб билан баландмас одам,
Мансаб одам билан муҳтарам.

*****

**Қозоқ оқини Абай ҳикматларидан:**

Не умид: беирода,

Ғафлат босган инсондан?

Ақлдан маҳрум одам –
Фарқи нима ҳайвондан?

Иродасиз ақл ҳам –
Теран бўлиб кетолмас.

Ғафлатда қолган одам –
Муродига етолмас.

*****

**Жаҳон адабиёти сарвори, Қирғизистон халқ ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг дил сўзлари:**

Тарихда Византия славян халқлари ўртасида маданият тарқатишда қандай роль ўйнаган бўлса, ўзбеклар ҳам Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан шундай роль ўйнаган.

*Мен учун ўзбеклар ва қирғизлар бир халқ. Бу – менинг халқим.*

*****

**Махтумқули сўзлар тили туркманнинг...**

деган Фароғий ҳақида жамоат ва давлат арбоби Гурбангули Бердимуҳамедов таъкиди: *Махтумқули адабий мероси миллийлик чегараларидан чиқиб, жаҳон сўз санъатининг беқиёс дурдоналарига, инсоният тафаккурининг бебаҳо хазинасига айланди. Шоир асарларини ўқиб бугунги кунда биргина туркман халқи эмас, бутун инсоният ўзининг маънавий ташналигини қондирмоқда*.

- **Глоссарий**

## АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

**Инсон ҳуқуқлари** - инсон ҳуқуқлари концепцияси табиий ҳуқуқлар доктринасидан келиб чиқади ҳамда жамиятнинг барча аъзолари учун мавжуд қонунларда белгиланган ҳуқуқлардан ташқари бошқа ҳуқуқларга ҳам эга эканликларини кўзда тутади. Инсон ҳуқуқлари муносиб тарзда турмуш кечириш учун зарур бўлган хусусиятлар, манфаатлар ва имкониятларни ҳимоялашга йўналтирилган. Айрим асосий ҳуқуқлар, одатда, туғилиш пайтида берилган, табиий ва ажралмас деб ҳисобланади ва уларни бузиш мумкин эмас. Инсон ҳуқуқларига оид дастлабки тушунчаларни Америка мустақиллик декларациясида (1776 й.) ва Франция Миллий Ассамблеяси томонидан 1789 йилда қабул қилинган Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясида учратиш мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси Умуминсон ҳуқуқлар декларациясини 1948 йилнинг 10 декабрда қабул қилган. Декларация бевосита юридик кучга эга бўлмагани туфайли унинг моддалари кейинчалик халқаро ҳуқуққа оид ҳужжатларда, масалан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда (1976 йилнинг мартидан амал қилади) ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда (1976 йилнинг 3 январидан амал қилади) ривожлантирилган. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш стандартларини тасдиқлаш жараёнига хос тоифалар сонининг кўпайиши (фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, шахсий, жамоавий, ижобий, салбий, биринчи, иккинчи ва учинчи авлод ҳуқуқи) билан бирга давом этган. Ҳуқуқлар қонунларда, халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган тақдирда уларга қўшилган давлатлар зиммасига ҳуқуқий мажбуриятлар юклайди. Шахс эркинликлари – бу ижтимоий неъматлардан фойдаланиш бўйича юридик кафолатланган имкониятлар, инсоннинг давлатчилик-ташкилий жамиятдаги хатти-ҳаракатининг рамзий мезони. Давлат томонидан меъёрий белгиланган шахс эркинликлари – ўша бу фуқаролик ҳуқуқлари бўлиб, айрим ўзига хос жиҳатларга эга. Давлат фуқароларга эркинликлар берар экан, улар ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳаларида ўз қобилиятларини мустақил намоён этишини назарда тутади. У фуқаролар ҳуқуқини минимал даражада тартибга солишга интилади ва бунда ўз идоралари, шунингдек, барча бошқа ижтимоий субъектларнинг

аралашмаслиги орқали уларнинг эркинликларини таъминлайди. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг тўртта йирик гуруҳи фарқланади: сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, шахсий, маданий ҳуқуқлар. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар – бу инсоннинг давлат ва ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги имкониятлари бўлиб, улар инсоннинг ўз сиёсий маслагини белгилаш, давлат ва жамият бошқарувида иштирок этишини таъминлайди. Бу гуруҳга қуйидагилар киради: жамоат бирлашмалари ҳуқуқи; митинглар, юришлар, намойишлар ўтказиш ҳуқуқи; давлат ҳокимият органларига ва маҳаллий ҳокимият органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи; барча давлат лавозимларига сайланиш ҳуқуқи; умумхалқ муҳокамалари ва сайловларида (референдумларда) иштирок этиш ҳуқуқи ва ҳоказо. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар – бу инсоннинг шахсий ҳаёти ва ички дунёсига ноқонуний ва ўринсиз аралашувлардан ҳимоялаш имкониятлари. Улар шахснинг мавжудлиги, ўзига хослиги ва мустақиллигини белгилайди. Уларга қуйидаги ҳуқуқлар киради: яшаш ҳуқуқи; шахсий дахлсизлик ҳуқуқи; ҳурмат қилиниш, ор-номусини ҳимоялаш ҳуқуқлари, виждон эркинлиги; турар-жойининг дахлсизлиги ҳуқуқи; ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш эркинлиги ва ҳакозолар.

**Демократия** – бошқарувнинг мавжуд бир неча шаклларидан бири. Демократия халқ бошқарувининг синоними бўлиб, моҳиятан бир шахс (монархия ва автократия) ёки бир неча шахслар (аристократия ва олигархия) хукмронлигидан фарқ қилади. Демократия грекча халқ бошқаруви маъносини англатувчи сўздан келиб чиққан. Ҳукумат ваколатлари бошқарилаётган шахслар розилигидан келиб чиқишини яққол англовчи жамиятлар ҳисобланади. Ушбу жамиятларда ўз вакилларини давлат лавозимларига сайланиш меъёрлари аниқ белгилаб қўйилган. Вакиллик демократиясида сайловчилар вақти-вақти билан ўз вакилларини сайлайди. Сайланган шахслар сиёсий қарорлар қабул қилиниши учун масъулдирлар. Ҳар бир демократик жамиятга хос бўлган хусусият – сайлаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш бўлиб, бу эса ўз навбатида сўз эркинлиги ва йиғилишлар ўтказиш эркинлигини тақозо этади. Қуйидаги шартлардан айримларига риоя этилган тақдирда демократия барқ уриб ривожланади:

1. Ҳокимиятнинг бўлиниши.
2. Ҳукумат ваколатларининг чекланганлиги.
3. Фикрлар хилма-хиллигига нисбатан бағрикенглик.
4. Ахборотдан фойдаланиш имкониятлари.

**5.** Шерикчилик ва истиқбол.

**6.** Жамиятнинг уюшганлиги.

**7.** Самарали иқтисодий ривожланиш.

Демократия даражаси – юқори мартабали шахсларнинг сиёсий ҳокимияти камайгани, кенг аҳоли қатламлари ҳокимиятининг кучайганлиги билан белгиланади. Демократиянинг ривожланиш даражаси сиёсий эркинликлар (матбуот эркинлиги, уюшган мухолифат эркинлиги, хукумат чоралари ёки унинг сиёсий фаолликни чеклашга оид лаёқати) ҳамда ўз ичига ҳалол сайловчиларнинг ўтказилиши, қонунчилик ва ижроия ҳокимиятини сайлаш тартиби каби тушунчаларни қамраб олувчи халқ суверенитети билан ҳам белгиланади. “Демократик ўзгаришлар” тушунчаси (ёки “демократлаштириш”) мамлакатнинг авторитаризмдан демократияга ўтишини таърифлаш мақсадида қўлланилади. Бу жараён махсус институтлар ташкил этилишини, қоидалар ва жараёнлар белгиланишида жамоатчилик фикрининг инобатга олиниши, асосий сиёсий эркинликларнинг кафолатини англатади.

**Ўқинг – бу қизиқ**

## ДУНЁДА ЎЗБЕК ПАЛОВИНИНГ ҚАНДАЙ ТУРЛАРИ БОР?

*Шарқ ва Кавказ ошхонасини паловсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу таом турли туркий халқларнинг миллий таомларида алоҳида ўрин тутади. Шарқ ҳикматларига кўра, “паловни камбағал ейди, бой эса фақат палов ейди”, деган гап ҳам бор. Палов 2,5 минг йиллик тарихга эга. Бу даврда турли халқлар бу ажойиб таомни тайёрлаш учун кўплаб вариантларни тўплашган. Уни айнан ким ўйлаб топгани фанга маълум эмас. Бу ҳақда турли афсоналар ва шу билан ҳақиқатлар ҳам юради. Бугун биз севиб истеъмол қиладиган палов турлари ҳақида маълумот берамиз.*

### *Шаҳризодадан Македонскийгача*

“Пилов” деб аталадиган “палов” ҳақида биринчи эслатма Шаҳризоданинг машҳур эртакларида бўлган. Шарқда гуруч, гўшт, қуритилган мевалар ва зироварлардан таом тайёрлаш одат тусига кирган. Шарқда палов Ўрта Осиё ҳудудига тарқала бошлаган ва у ўзининг миллий калоритига эга бўлди. Кейинчалик таом Европа ва Болқон ярим оролига кўчиб ўтган. Палов ўзининг географик хилма-хиллиги учун Александр Македонскийдан қарздор. У ўзининг ҳарбий юришларида кўплаб ошпазларни ўзи билан олиб кетган. Улар бу таомни подшоҳнинг ўзи ва қўшини тўқ бўлиб юришлари учун тайёрлаганлар.

### *Ўзбекча*

Бу эҳтимол, паловнинг энг машҳур тури. Ўзбекистонда ошнинг 150 дан ортиқ рецептлари мавжуд. Энг ноодатийларидан бири – бу Бухоронинг оши-софиси. Тошкентнинг тўй, чойхона палови-ю, самарқандча, шунингдек, водийнинг девзира гуручидан тайёрланадиган ошлари. Хуллас, булар ҳақида билмаган одам йўқ бўлса-да, бир эслатиб ўтдик.

### Озарбойжонча

Озарбойжон ошхонасида паловнинг 200 тури бор. Улардан энг машҳурлари: говурма палов, сабзи говурма палов, шоҳ палов, тўюг палов, ширин палов, балиқ палов, парча дошямя палов, шююд палов, чиғиртма палов, шашандаз палов, гиймя палов, ҳамдошама палов, лобия-чилов палови, фисинжон палов. Шоҳ палови Озарбойжон ошхонасининг фахридир. Унинг тайёрланиши ва услуби оддий паловга ўхшамайди. Қозоннинг пастки қисмига бир неча қатламли пита нони (лаваш) териб

чиқилади. Кейин олдиндан тайёрлаб қўйилган гуруч солинади. Унга ёғ сурилгандан сўнг гўшт, сабзавот, қуритилган мевалар билан тўлдирилади ва зироварлар қўшилади. Ҳаммаси пита нонининг яна бир қатлами билан қопланади. Таом кўпроқ катта пирогга ўхшайди. Палов тайёр бўлгач, у бутунлигича қозондан олиниб, стол устида қисмларга бўлинади.

***Ҳиндча***

Баъзи экспертлар палов Ҳиндистонда ихтиро қилинган, деб ҳисоблашади. Бу мамлакатда палов “пулао” деб аталади. Таом вегетарианча ёки товуқ гўштида тайёрланади. Кашмир версиясида у занжабил, хурмо, майиз ва ёнғоқ билан басмати гуручидан тайёрланади.

***Эронча***

Ҳиндистондан палов бошқа Яқин Шарқ мамлакатларига ҳам кўчиб ўтган. Эронда бу таом катта ўзгаришларга дуч келган. Эронча ошни тайёрлашда сабзавот ва гўшт биргаликда, гуруч эса алоҳида пиширилади. Улар шунингдек, ликопга алоҳида қилиб сузилади. Бу мамлакатда гуруч алоҳида усулда тайёрланиб, қайнатиб олинади.

***Тожикча***

Тожикча версияда палов ўзбекларникига ўхшаш рецепт бўйича тайёрланади, амма гуруч тезроқ пишиши учун сувга олдиндан солиб қўйилади. Тожикистонда паловга кўпинча дуккакли ва сабзавотли қовурмалар ҳам қўшилади.

***Қозоқча***

Қозоқ палови анъанавий рецептлардан фарқ қилади, чунки унинг таркибида қуритилган ўрик, майиз ва қуритилган олма мавжуд. Натижада, ноодатий таъм ва хушбўй ҳид пайдо бўлади. Баъзилар рецептларда от қазиси ҳам бўлади. Уни тайёрлашда сабзи ва гўшт қатламли бўлиб, улар аралаштирилмайди.

***Туркча***

Туркияда ҳам паловнинг бир қанча турларини учратиш мумкин. Улардан қовурилган вермишелли палов ёки гуручга пиёз, майиз, қуритилган мевалар, ўтлар, товуқ гўшти қўшиладиган турли паловларни мисол қилиб келтириш мумкин. Шунингдек, нўхатли, помидор ва ширин қалампирли турк паловлари ҳам мавжуд.

***Қирғизча***

Улар паловни тайёрлашнинг бошидаёқ аралаштиришни яхши кўрадилар. Шунинг учун гўшт ва сабзавотлар дастлаб қозоннинг пастки

қисмига ётқизилади, қовурилади, сўнгра гуруч сув билан қопланади ва озгина димланади. Шундан сўнг, барча масалliқлар аралаштирилади ва яна қозонда пиширилади. Кейин гуручнинг яна бир қисми масалliқлар тепасидан бир қатлам қилиб солинади, аралаштирилади ва тўлиқ тайёр ҳолга келтирилади.

***Туркманча***

Дуккакли ва сабзавотли қовурмалари билан Туркманистон палови анъанавий ошлардан фарқ қилмайди. Аммо у ерда ошни бир бутунлик тамойилига кўра пиширадилар. Яъни гуруч ва бошқа масалliқлар дарҳол аралаштирилади ва тўлиқ пишгунича қозонда димланади. Қозонга бир бош саримсоқ ва аччиқ қалампир ҳам солинади.

***Яҳудийча***

Бу палов тури айрим манбаларда қадимги шарқона таом, айримларида эса яҳудийча ош сифатида келтирилади. Лекин унинг ягона номи - Бахш ёки яшил палов. Бу палов масалliқлари оддий ошникига қўшимча турли кўкатлар қўшилиши эвазига яшил тусга киргани учун яшил палов ҳам дейилади.

**("Ахборотнома" учун)**

# М У Н Д А Р И Ж А

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига байрам табриги** ........ 5
**Бош муҳаррир минбари** ........ 8

**ДОЛЗАРБ МАВЗУЛАР**

**Турдиев С**. Маҳалла тубислоҳотларида қонунчиликни таъминлаш – долзарб вазифа ........ 9
**Тультеев И**., **Жураев Б.** Конституция Узбекистана и ее обновление ........ 17

**ЎТМИШДАН БИР ШИНГИЛ**

**Миллий Конституциялар тарихидан** ........ 27

**АЛЛОМАЛАР БИСОТИДАН**

**Абдурасулова Қ.** Шавкат Ўразаев – забардаст олим, давлат ва жамоат арбоби ........ 30

**ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР**

**Тультеев И**. Некоторые новшества законодательства о системе обеспечения общественной безопасности на местах ........ 35
**Усманов А**. Ички ишлар органлари шахсий таркиби жисмоний тайёргарлигининг баъзи ҳолатлари ва муаммолари ........ 42
**Субанов О.** Қонунга хилоф равишда муомала қилишдаги жиноятларнинг криминалистик тавсифи *(Гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддалар мисолида)* ........ 48
**Бейсенов К**. Аёлларни озодликдан маҳрум қилиш ҳолатида жазони ўташнинг айрим хусусиятлари ........ 55
**Айтмуратов Ж**. Совершенствование Административной ответственности за правонарушения с участием транспортных средств ........ 61

**ИЛМИЙ АХБОРОТ**

**Боймуродов Б**. Геосиёсий курашлар шароитида “Бошқариладиган хаос” концепцияси стратегиясининг айрим жиҳатлари ........ 69
**Сувонкулов М**., **Раҳмонбердиев Б.** Информационная угроза – социальная инженерия ........ 74

**МОЗИЙДАН САДО**

**Аллома Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” ёки “Сияр ул-мулук” асаридан баъзи пандномалар** ........ 79

**Норматов К**. Миллий ғурур ва ватанпарварлик ........................................... 83

**АДАБИЁТ ГУЛШАНИ**

**Қардош халқлар ижоди: тафаккур хазинаси** ........................................... 93

**ГЛОССАРИЙ**

**Асосий тушунчалар**........................................................................................ 95

**ЎҚИНГ – БУ ҚИЗИҚ**

**Дунёда ўзбек паловининг қандай турлари бор?** ....................................... 98

## ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

**Журналда диссертацияларнинг асосий натижаларига оид илмий мақолалар эълон қилиш учун**
**ТАЛАБЛАР**

1. Чоп этиладиган материалларни тақриздан ўтказишнинг мажбурийлиги (зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ОАК сўрови асосида тегишли тақризни тақдим этишнинг мажбурийлиги).

2. Мақола тайёрланган ташкилотнинг тавсия хати.

3. Чоп этиладиган илмий мақола қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

– ўзбек, инглиз ва рус тилларида қисқача резюменинг мавжуд бўлиши;

– фойдаланилган асосий адабиётларнинг аниқ келтирилиши ва мақоланинг камида 0,25 б.т. ҳажмида бўлиши;

– муаммонинг қўйилиши, материалнинг назарий методологик ва услубий жиҳатдан пухталиги, манбаларнинг ишончлилиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг асослилиги назарда тутилади.

4. Электрон варианти CD дискда бўлиши керак.

5. Мақола таҳририятга икки нусхада топширилади.

Илмий-амалий, маънавий-маърифий
ва сиёсий-ҳуқуқий журнал

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Малака ошириш институти

# АХБОРОТНОМАСИ

№ 2/2022

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligining «Fan ziyosi» nashriyotiga
2021 yil 14 fevralda berilgan 308197041-sonli litsenziyasi
Nashriyot manzili: Toshkent shahri, A.Navoiy ko‘chasi, 30 uy.

Босишга рухсат этилди 23.12. 2022. Буюртма № 59.
Қоғоз бичими 60x84 $^{1/8}$. Шартли б. т.-8,5. Адади 100 нусхада.
«Munis design group» МЧЖ босмахонасида чоп этилган.
100170, Тошкент ш.